Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 123 (4818).
1 ИЮНЬ 1982 й.
СЕШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 4 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз!

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ МАЖЛИСИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев раислигида 31 май куни Кремлда СССР Олий Совети Президиумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кун тартибидаги биринчи масала — КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан халқ депутатлари Советларининг вазифалари тўғрисида мажлисда **Л. И. Брежнев** сўзга чиқди.

Пленум қабул қилган Озиқ-овқат программаси, деди у, қишлоқ хўжалигини ва унга хизмат қилувчи ҳамма тармоқларни бир бутун қилиб бирлаштиради. Уларнинг олдига совет кишиларини юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз, барқарор таъминлаб туриш вазифаси қўйилади. Шу мақсадга эришиш учун катта маблағ, кўп минглаб меҳнат коллективларининг, хўжалик ходимларининг, олимлар ва бошқа мутахассисларнинг кучлари сафарбар этилади.

Табиийки, партия Марказий Комитетининг Пленумида коммунистларнинг, партия ташкилотларининг вазифаларига алоҳида эътибор берилди. Бироқ, жамият тараққиётининг иқтисодий стратегиясини амалга ошириш совет сиёсий системасининг ҳамма бўғинлари иштирокини назарда тутиши равшан. Улар орасида давлат, унинг органлари ва аввало, албатта, Советлар биринчи ўринда туради. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, партия белгилаган программани амалга ошириш соҳасидаги ишнинг жуда катта ҳиссаси уларнинг зиммасига тушади.

Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки, айни Советлар Конституцияга мувофиқ территориал ва тармоқ бошқарувининг бирлигини ўзида мужассамлаштиради. Иккинчи томондан, Советлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ҳам, шунингдек одамларга хизмат қилиш сифатини ошириш учун ҳам жавоб беради. Бизнинг социалистик жамиятимиз нақадар тобора етукроқ бўлиб бораверса, бу проблемаларнинг ҳаммаси шу қадар яхшироқ, комплексроқ ҳал этилиши лозим.

Пленум белгилаб берганидек, агросаноат бирлашмаларининг кенгашлари қишлоқ хўжалигини ва агросаноат комплексининг бошқа тармоқларини бошқаришнинг бош бўғини бўлиб қолади. Бу кенгашлар район, область, ўлка Советларининг ва автоном республикалар Олий Советларининг сессияларида тузилади. Халқ депутатлари Советлари ҳамма жойда шу органларнинг ишини кун сайин йўлга солиб, контроль қилиб туришлари керак. Бунинг маъноси шуки, ҳамма поғоналардаги Советларнинг масъулияти жиддий равишда ортади, улар олдида турган вазифалар доираси кенгаяди. Шу муносабат билан биз совет органларининг компетенцияси, уларнинг ваколатлари тўғрисидаги қонунларга бирмунча ўзгартишлар киритишимиз, бу қонунларни ҳозирги кун талабига мувофиқлаштириб олишимиз керак.

Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтиришни, ҳар бир колхоз ва совхознинг план топшириқларини бажариш соҳасидаги иш савиясини оширишни таъминлаш — Советларнинг куч-ғайратлари сарфланиши лозим бўлган ҳозирги асосий вазифадир. Агросаноат комплекси корхоналарининг қурилиши ва ўз вақтида ишга туширилиши устидан контроллик қилишга жуда катта эътибор берилиши лозим. Шахсий ёрдамчи хўжаликларни, боғдорчилик коллективларини, завод ва фабрикаларнинг ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришда ёрдам бериш — кўп манфаат келтирадиган муҳим ишдир.

Советлар ҳар қандай ноишлаб чиқариш нобудгарчиликларга — қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг, ўғит, гербицидларнинг талон-торож қилинишига, олинган маҳсулотнинг айниб қолишига асло йўл қўймасликлари керак. Олимларнинг фикрича, дон ва сабзавот ҳосилини йиғиштириб олиш, ташиш ва қайта ишлаш пайтида унинг яхши сақланишини таъминлаш қарийб 20 процент қўшимча ҳосил беради. Бу соҳада ҳам Советлар, уларнинг доимий комиссиялари, депутатлик постлари, халқ контролёрлари, бутун жамоатчилигимиз кўп, жуда кўп иш қилишлари лозим.

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши билан социал ривожланиш ўртасида тафовут бўлишига йўл қўймаслик бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Биз қишлоқни қайта қуришнинг, уй-жой, йўллар, мактаблар, касалхоналар, болалар боғчалари, магазинлар қурилишининг жуда катта программасини белгиладик. Бу программани амалга оширишда маҳаллий Советлар жуда муҳим роль ўйнашларини исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини ўстириш улар ишидаги самарадорликнинг бош кўрсаткичи бўлиши лозим, деб ўйлайман.

Қишлоқ хўжалиги кадрлари тўғрисида, уларнинг қишлоқда маҳкам ўрнашиб қолиши ҳақида, мутахассисларнинг роли ва масъулиятини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш — Озиқ-овқат программасини бажаришнинг таркибий қисмидир. Партия Марказий Комитетининг Пленуми қабул қилган қарорлар экономикамизнинг аграр секторидаги ҳалол меҳнатни моддий рағбатлантиришнинг аҳамиятини оширади. Шу билан бирга биз яхши ходимларни маънавий рағбатлантиришнинг аҳамияти ўсиб бораётганини ҳам унутаётганимиз йўқ. Шу мақсадда «СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» деган фахрий унвонни белгилаш тўғрисидаги Фармонни тасдиқлаш тавсия этилади. Бу унвон ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик ташкилотларининг қишлоқ хўжалиги соҳасида камида 20 йил ишлаган ходимларига берилади.

Мусобақа илғорларининг тажрибаси, совет кишиларининг ташаббуси — уларнинг жамият манфаатлари, ижтимоий мулк тўғрисидаги астойдил ғамхўрлик туйғуси — булар бизнинг жуда катта ғалабамиздир. Колхоз демократияси принципларига, колхозларнинг уставларига риоя қилиш, совхозлар ва бошқа корхоналар меҳнат коллективларининг активлигини ошириш, меҳнаткашларни ишлаб чиқариш ва истеъмолда чинакам социалистик маданият руҳида тарбиялаш шу ғалабани ривожлантиришнинг муҳим шартидир. Шу соҳаларнинг ҳар бирида Советларнинг роли, уларнинг коммунистик қурилиш умумий ишига ҳиссаси тобора кўпроқ сезилиб туриши лозим, деб таъкидлади сўзининг охирида Л. И. Брежнев.

Мажлис иштирокчилари ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқини зўр мамнуният билан кутиб олдилар.

Қабул этилган қарорда СССР Олий Совети Президиуми КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини тўла-тўкис маъқуллаб ва бу қарорларни муттасил ижро этиш учун қабул қилиб, шуни таъкидладики, СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан муттасил таъминлаб туриш, халқнинг турмуш даражасини янада ошириш мақсадида агросаноат комплексининг ҳамма тармоқларини пропорционал ва мувозанатли ривожлантиришни таъминлаш тадбирларини оғишмай амалга ошириш — халқ депутатлари Советларининг ва уларга ҳисобот берувчи органларнинг асосий вазифаларидан биридир.

Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумларига қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, колхозлар, совхозлар, бошқа корхоналар ва ташкилотлар социалистик мусобақасини янада ривожлантириш вазифаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг актив иштирок этишини таъминлаш; Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни амалий равишда ҳал этишда халқ депутатлари Советларининг ижобий тажрибасини кенг оммалаштириш топширилди.

Автоном республикаларнинг Олий Советларига, тегишли халқ депутатлари маҳаллий Советларига КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни сессияларда муҳокама қилиш, агросаноат бирлашмаларининг кенгашларини тузиш, уларнинг ишини йўлга қўйишда кўмаклашиш, тегишли бирлашмалар кенгашларининг фаолиятини актив йўналтириб ва контроль қилиб туриш тавсия этилди.

Халқ депутатлари Советлари ва уларнинг ижроия ҳамда фармониш берувчи органларига тайёрланадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланишини, тайёрлаш, транспорт, савдо ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташиш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш, бу маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш борасида тўхтовсиз ишлашларини таъминлашга тааллуқли масалаларни доимо диққат марказида тутиш, янги ерларни қишлоқ хўжалик оборотига жалб этиш чораларини кўриш, ердан ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши устидан контролни кучайтириш таклиф этилди.

Агросаноат комплекси ва унинг тармоқларини ривожлантириш масалаларини, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш тадбирлари, колхозлар ва меҳнат коллективлари ишларини бошқариш демократик асосларига риоя этиш қандай бораётганлиги масалаларини Советларнинг сессияларида, Советлар ижроия комитетлари ва доимий комиссияларининг мажлисларида муттасил муҳокама қилиб бориш, Советларнинг қарорлари бажарилишини контроль қилишда доимий комиссиялар, депутат группалари ва постлари иштирокини активлаштириш, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда, план ва социалистик мажбуриятларни бажаришда, тежамкорлик режимини таъминлаш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан рационал фойдаланишда депутатлар билан совет активи ташаббусларини ошириш ва бу ташаббусларни қўллаб-қувватлаш зарур деб топилди.

Саноат корхоналарининг ёрдамчи хўжаликларида, шунингдек гражданлар ва боғдорчилик-полизчилик ширкатларида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кенгайтириш, колхозлар, совхозлар, матлубот кооперациялари ва бошқа ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлар имкониятларидан янада тўлароқ фойдаланишдан манфаатдорликларини кучайтириш борасидаги ишларга халқ депутатлари маҳаллий Советларининг эътибори жалб этилди.

Қишлоқни социал ўзгартириш чоралари Озиқ-овқат программасини амалга оширишнинг таркибий қисми эканлигини назарда тутиб, халқ депутатлари Советлари қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш шароитларини яхшилаш, қишлоқда кадрларни мустаҳкамлашда янада кўпроқ матонат кўрсатишлари, уй-жой, йўл қурилиши, коммунал қурилиш ва социал-маданий қурилиш планлари тўла ва сифатли бажарилишига, шу мақсадлар учун ажратиладиган маблағлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишга эришишлари, қишлоқ аҳоли пунктларида кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишини қатъият билан ривожлантириб боришлари керак.

СССР Олий Совети Президиуми халқ депутатлари Советларининг қишлоқ хўжалиги ҳамда агросаноат комплексининг бошқа тармоқларига раҳбарлик соҳасидаги ваколатлари тўғрисида СССРнинг қонун актларига зарур ўзгаришлар киритди.

СССР Олий Совети Президиумининг «СССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвонини белгилаш тўғрисидаги Фармони қабул килинди.

СССР Олий Совети Президиуми халқ депутатларининг барча Советлари КПСС Марказий Комитети май Пленумининг йўл-йўриқларига амал қилиб, Коммунистик партия ва Совет давлатининг ўн биринчи ва ўн иккинчи беш йилликлардаги асосий вазифаси — озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга мумкин қадар кўпроқ ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирди. Мажлисда Литва ССР ва Тожикистон ССР халқ депутатлари Советларининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллигига тайёргарлик билан боғлиқ ишлари тўғрисидаги мажлиса ҳам кўриб чиқилди. Литва ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **А. С. Баркаускас** ҳамда Тожикистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. Холов** шу масала юзасидан ахборот бердилар. Бу ахборотларда уқтирилдики, шу республикаларнинг ваколатли органлари КПСС Марказий Комитетининг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, партия органлари раҳбарлигида катта ташкилотчилик ва ғоявий-сиёсий ишларни авж олдириб юбордилар. Республикалар Олий Советларининг Президиумлари, маҳаллий Советлари кўп миллатли давлатимизнинг юбилейини муносиб кутиб олиш тадбирлари планларини тасдиқладилар. Советлар «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» шиори остидаги социалистик мусобақани ташкил этишда актив қатнашмоқда. КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини амалга ошириш ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини юксалтириш, меҳнат ресурслари ва моддий ресурсларни тежаш ва улардан рационал фойдаланиш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш уларнинг диққат марказида турибди. Халқ депутатлари кўпгина қимматли таклиф ва фойдали ишларнинг ташаббускорлари бўлиб чиқмоқдалар. Юбилей мусобақаси чоғида қардош республикаларнинг анъанавий интернационал алоқалари, хўжалик ва социал-маданий қурилишда илғор тажрибаларни ўзаро алмашиш ривожланмоқда ва бойиб бормоқда.

Советларнинг меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялаш ишлари такомиллаштирилмоқда. СССРдаги барча миллат ва элатлар дўстлиги ва қардошларча ҳамкорлигини, социалистик демократия афзалликларини пропаганда қилишга, ленинча миллий сиёсат, мамлакат, барча иттифоқдош республикалар ютуқларини амалга ошириш натижаларини кўрсатишга катта эътибор берилмоқда. Маҳаллий Советлар ва халқ судларига сайлов кампанияси чоғида ўтказиладиган оммавий-сиёсий тадбирлар ҳам мана шунга қаратилган.

Л. И. Брежнев бўлиб ўтган фикрлашувга якун ясади.

Ўртоқлар, деди у, кўп миллатли давлатимизнинг юбилейини хўжалик қурилишида, совет кишиларининг фаровонлиги ва маданиятини юксалтиришда амалда эришилган ютуқлар билан кутиб олишга интилиб, тўғри қиламиз, деб ўйлайман. Ленин бизга шуни ўргатганди. У социалистик интернационализмни янги жамиятнинг манбаи, миллион-миллион меҳнаткашларни социализм ва коммунизм учун курашда жипслаштириш воситаси деб билган эди.

Бундан 60 йил аввал СССРнинг ташкил этилганлиги тўғрисида қабул қилинган декларацияда «Синфий табиати жиҳатидан интернационал Советлар ҳокимияти тузилишининг ўзи Совет республикалари меҳнаткаш оммасини битта социалистик онлага бирлаштириш йўлига ундайди» деб алоҳида таъкидлаб ўтилганди. Биз бугун тинглаган ахборотлар Совет системаси социалистик миллатларни жипслаштириш ва яқинлаштириш учун нақадар катта имкониятларга эга эканлигини яна бир карра кўрсатмоқда. Етук социализм конституцияси Советларнинг ишидаги шундай йўналиш учун янада каттароқ майдон очиб беради.

Шунинг учун Литва ва Тожикистон Советларининг тажрибалари маъқуллашга муносибдир. Улар СССРнинг 60 йиллигини кутиб олаётиб, бўлғуси сайловга тайёрланаётиб, меҳнаткашларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ҳар бир коллективда, кишиларнинг кундалик меҳнатлари ва турмушида интернационализм принципларини бажаришда бутун бир система тадбирларини амалга оширмоқдалар. Бу ерда эса яна шундай ҳодисалар ҳам борки, ленинча партиявий позицияларни ҳимоя эта бориб, социалистик турмуш тарзимизни қарор топтира бориб, бу ҳодисаларга қарши қаттиқ кураш олиб боришга тўғри келади, албатта.

Барча миллатлар меҳнаткашларининг қардошларча бирлиги ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш зўр чидам билан кўп ишлашни тақозо этади. Образли қилиб айтганда, халқларимиз дўстлигининг ҳаётбахш манбаини доимо авайлаб сақлаш лозим. Зеро, бу дўстлик аввало конкрет ишларда, ҳар бир миллатнинг умумхалқ манфаатлари тўғрисидаги ғамхўрлигида ҳамда бутун халқнинг ҳар бир миллатни ҳар томонлама равнақ топтириш тўғрисидаги ғамхўрлигида намоён бўлмоқда ва шундай бўлмоғи керак. Ҳозирги босқичда партиямиз ва Совет ҳокимияти миллий сиёсатининг моҳияти шундадир.

СССР Олий Совети Президиуми қабул қилган қарорда Литва ССР ва Тожикистон ССР Олий Советлари Президиумларига халқ депутатлари маҳаллий Советларининг диққат-эътиборини меҳнаткашлар СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш борасидаги план-топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришларига, Совет республикалари ва умуман ССР Иттифоқи ютуқлари яққол кўрсатилишини таъминлашга, ватанпарварлик ва интернационал тарбияни ҳамма чоралар билан яхшилашга, СССРдаги барча миллат ва элатлар билан қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга, хўжалик ва социал-маданий масалаларни ҳал этишдаги мавжуд камчиликларга қарши курашга жалб этишни тавсия қилди.

Сўнгра президиум мажлисида республика халқ депутатлари Советларининг меҳнаткашларни «Меҳнат ветерани» медали билан мукофотлаш билан боғлиқ иш практикаси тўғрисида РСФСР Олий Совети Президиумининг ахбороти кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда РСФСР Олий Совети Президиумига мазкур медаль билан мукофотлаш практикасини такомиллаштириш борасида қўшимча чоралар кўриш тавсия қилинди.

Президиум мажлисида давлат ҳаётининг бошқа масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари В. В. Гришин, Г. В. Романов, В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидатлар Г. А. Алиев, Т. Я. Киселев, В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари, секретари ва аъзолари, СССРнинг бир қанча министрликлари, давлат комитетлари ва идораларининг раҳбарлари қатнашдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Қишлоқ хўжалик машинасозлиги «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги технология жараёнлари ва самарали техника яратиш ҳамда уни ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасидаги иши тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қабул этилган қарорда қайд этилишича, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш билан шуғулланадиган «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини бажара бориб, қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводларини техника билан қайта қуроллантириш учун зарур бўлган асбоб-ускуналарнинг бир қанча илғор турларини, янги технология жараёнларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш соҳасида муайян иш қилмоқда.

Бирлашма ўнинчи беш йиллик ва 1981 йил топшириғини муваффақиятли бажарди. Бултур 167 та махсус агрегат станок ва 2,6 миллион сўмлик технология асбоб-ускуналари тайёрланиб, ишлаб чиқаришга жорий этилди, бу эса 550 тонна металлни тежаб қолиш, шартли равишда 570 нафар ишчини бошқа ишлар учун бўшатиб олиш имконини берди. Кейинги йилларда тармоқда пластмассадан деталлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,5 баравар кўпайди. Кукун металлургия усулларида тайёрланган қаттиқ котишмали пластинкалар билан таъминланган асбобларни жорий этиш давом эттирилди.

Бирлашма раҳбарлари ва партия комитети инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг малакасини ва ижодий ташаббускорлигини ошириш, оммавий-сиёсий, тарбиявий ишни ўтказиш, социалистик мусобақани авж олдиришга муайян эътибор бермоқдалар. Министрликнинг турдош ташкилотлари орасидаги социалистик мусобақа якунларига кўра, бирлашма коллективи йигирма кварталдан кўпроқ вақтдан бери ғолиб бўлиб чиқмоқда.

Шу билан бирга «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг иш савияси ҳали КПСС XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг шундан кейинги Пленумлари қишлоқ хўжалик машинасозлигига нисбатан қўяётган талабларга мувофиқ амас. Илм-фанни ишлаб чиқариш билан бирга қўшишнинг самарали формаси бўлмиш илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг катта имкониятларидан пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқаришда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш билан боғлик бўлган бир қанча йирик масалаларни ҳал этиш учун ҳозирча етарли фойдаланилмаяпти.

Тайёрлов ишлаб чиқариши, йиғиш, пайвандлаш, бўяш, юк ортиш-тушириш ва транспорт-омбор ишларини комплекс механизациялаш ва автоматлашнинг бир қанча масалалари зарур тарзда ҳал этилмаяпти. «Чирчиксельмаш», «Ташхимсельмаш» заводларида, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасидаги кўпгина цехларда қолок технологиядан фойдаланилмоқда, меҳнатни ташкил этиш даражаси паст, қўлда бажариладиган, кам малакали ва оғир жисмоний меҳнат талаб этадиган ишларнинг ҳиссаси кўп.

Иқтисодий тадқиқотларда, илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишларида хом ашё, ёқилғи-энергия ресурслари ва бошқа моддий ресурсларни тежаб рационал сарфлаш, атроф-муҳитни муҳофаза этиш билан боғлик масалаларни синчиклаб ишлаб чиқиш сари ҳали туб бурилиш қилингани йўқ. Замонавий кам чиқит технология, аслида металлдан фойдаланиш самарадорлигини оширувчи асосий резерв бўлган деталларни мустаҳкамлаш жараёнлари ишлаб чиқаришга секин жорий этилмоқда.

Бирлашманинг партия ташкилоти партиявий негизни мустаҳкамлашга, ёш мутахассисларни КПСС аъзолигига қабул қилишга етарлича эътибор бермаяпти, маъмуриятнинг фаолиятини тузук назорат қилмаяпти ва цех партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ва техник раҳбарлар фаолиятини корхоналарда техника тараққиётини амалга оширишда инженер-техник ходимлар ташаббуси ва активлигини ривожлантиришга дуруст йўлламаяпти.

Қарорда Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмаси замонавий талаблар асосида бирлашма фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги ишларни суст йўлга қўймоқда, пахтачилик учун машина-ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг техникавий даражасини оширишга бирлашма мутахассисларининг куч-қувватларини дуруст йўлламаяпти, деб таъкидланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари ва партия комитети зиммасига шу қарорда айтилган камчиликларни йўқотиш вазифасини юклади.

КПСС XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумининг қарорларини бажара бориб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шу Пленумда сўзлаган нуткида ҳамда Ўзбекистон ССРга Ленин ордени топшираётиб Тошкентда бўлган тантаналарда сўзлаган нуткида баён этилган йўл-йўриқларга, у Тошкент трактор заводи ишлаб чиқариш бирлашмасига борганида айтган маслаҳатларга амал қилиб, ишлаб чиқариш техникавий даражасини ошириш, ишлаб чиқаришдаги ҳар бир технологик жараёнда қўлда бажариладиган кам малакали ва оғир жисмоний иш улушини кисқартириш, металл ва бошқа моддий ресурс турларини тежаб сарфлаш ҳамда илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишлари самарадорлигини ошириш комплекс программаларини рўёбга чиқариш борасидаги чораларни амалга ошириб боришга коллектив куч-қувватларини жамлашни «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолиятининг асосий йўналиши деб ҳисоблансин.

Аввало, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берувчи илғор технологик жараёнларни, прогрессив машина-ускуналар, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш коллективнинг энг муҳим вазифасидир.

Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмаси, бирлашманинг раҳбарлари ва партия комитети ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этиш, Ўзбекистон ССРда жойлашган қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари ишлаб чиқараётган машиналарнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва халқ хўжалик самарадорлиги юзасидан 4—5 йил ичида илғор даражага етишини таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқиб амалга оширсин.

Қишлоқ хўжалик машинасозлигининг ҳар бир корхонаси халқ хўжалигининг пахтачилик техникасига бўлган эҳтиёжларидаги ҳамма ўзгаришларга ҳозиржавоб бўлиб, кўп тармоқли ишлаб чиқариш бўлиб қоладиган ҳолга эришиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларидан ишларни ташкил этишни изчил ва сабот билан такомиллаштириб боришни, янги машина-ускуналар ва илғор технологияни тезрок ишлаб чиқиб, уни практикага жорий этишга алоҳида эътибор бериб, бирлашма коллективининг фаолияти ишлар тематикаси ва уни амалга ошириш ишлаб чиқариш эҳтиёжлари билан узвий боғланишга қаратилмоғи ва пахтачилик учун жаҳон фани ва техникасининг олий ютукларига мос машиналар ишлаб чиқариш вазифаларига бўйсундирилмоғини талаб қилди.

Маҳсус машина-ускуналар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, комплекс механизациялашган линиялар, программа билан бошқариладиган станоклар ва роботлаштирилган комплекслар яратишга кўпроқ эътибор берилсин.

Пахтачилик учун машиналар ясаш билан шуғулланувчи Давлат махсус конструкторлик бюроси ҳамда қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналари билан бирликда кукунли металлургия методи билан деталлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, деталларнинг хизмат муддатини узайтириш ва запас қисмлар номенклатурасини кисқартириш мақсадларида деталларнинг тез ейиладиган юзига металл кукуни югуртириш ишлари ўтказилсин.

Пировард натижалари учун умумий манфаатдорлик ва масъулият асосида энг муҳим технологик жараёнлар ва янги техникани биргалашиб ишлаб чиқиш ва жорий этиш учун илмий ходимлар, лойиҳачилар ва ишлаб чиқарувчиларни ўз ичига олувчи тармоқ ижодий коллективларини ташкил этиш кўпроқ практика килинсин.

Янги машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш лойиҳаларини комплекс ҳолда ишлаб чиқишда, чиқитсиз ва камчиқит технологияни жорий этиш ҳисобига металлдан фойдаланиш коэффициентини оширишда, ишлаб чиқариш экономикасини, уни ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштиришда, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш бригада формасини жорий этишда қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарига муттасил ёрдам бериб борилсин.

Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналарида пайвандлаш, тайёрлаш-пресслаш, бўяш ва йиғиш цехларини, транспорт ва омбор ишларини комплекс механизациялаш ва автоматлаш ишлари ҳажми кўпайтирилсин.

Бирлашма партия комитетига ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишларни кучайтириш, маъмурият фаолиятини назорат қилишда устав ҳуқуқидан тўлароқ фойдаланиш, партия ташкилотида ишчилар кўпроқ бўлишига, партия сафларини тўлдириш сифат составига, коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига кўйишга кўпроқ эътибор бериш, хўжалик раҳбарларига, мутахассисларга иш самарадорлиги ва сифати учун талабчанликни ошириш вазифаси топширилди.

Мутахассисларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш яхшиланиши, инженер-техник ходимлар билан оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор берилсин, уларда юксак ғоявий эътиқод ва принципиаллик, техника жиҳатидан эскилик ва қолоқликнинг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик, шахсий меҳнат билан фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам бериш учун интилиш туйғуси таркиб топтирилсин, коллектив ҳар бир аъзосининг ишчанлигини ва ижтимоий активлигини оширишда социалистик мусобақа имкониятларидан кенгроқ фойдаланилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасининг корхоналарида ишлаб чиқариш техник даражасини оширишда «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг имкониятларидан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш учун Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмасининг раҳбарлари зиммасига бирлашманинг фаолиятини чуқурроқ ўрганиш, илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари планларининг тузилишини катъий кузатиб бориш вазифаларини қўйди.

Меҳнат унумдорлигини оширувчи станоксозлик, айниқса, роботсозлик қувватларини кучайтириш, сермаҳсул прогрессив машина-ускуналар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чоралар кўрилсин.

Тасдиқланган техник-иқтисодий асослар ва лойиҳа смета ҳужжатларига биноан «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишлаб чиқариш ва социал-маданий аҳамиятга молик объектларини қуришга зарур капитал маблағлар ажратилиши таъминлансин.

Область партия комитетларига илмий ташкилотлар, лойиҳа ташкилотлари, конструкторлик ва технология ташкилотлари иши самарадорлигини ошириш ҳамда фан ва техника ютукларидан халқ хўжалигида фойдаланишни тезлатиш масалаларида контролни кучайтириш вазифаси топширилди. Шу масалалар юзасидан партия контролини амалга оширишда шаҳар, район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг масъулияти оширилсин.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетига, Киров район комитетига (Тошкент шаҳри) коллективда ташкилий ва тарбиявий ишларни ўтказишда, кадрларни танлаш, жой-жойига кўйиш ва тарбиялашни яхшилашда, иш самарадорлигини ошириш, социалистик мусобақани ташкил этишда меҳнаткашларга зарур ишлаб чиқариш шароитларини ва маданий-маиший шароитлар яратишда «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг партия комитети ва раҳбарларига доимий ёрдам бериб туриш вазифаси топширилди.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 31 май куни Кремлда партия ва совет ходимларига, олимлар, ҳарбий бошлиқларга Ватан мукофотларини топширди..

Мукофотларни топшириш чоғида Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

Мукофотланган кишилар ўз меҳнатларига берилган юксак баҳо учун Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, шахсан Леонид Ильич Брежневга сидқидилдан миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежневнинг ва мукофотланган кишиларнинг нутқлари зўр эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан кутиб олинди.

◆ Ўртоқ Т. Ш. Дағжига «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими» Фахрий унвони бериш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДАН

УЗОҚНИ КЎЗЛАБ

«Саноат ишлаб чиқаришининг структураси такомиллаштирилсин... Меҳнат унумдорлигини ўстиришни, материал ишлатиш ва энергия ишлатишни камайтириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулот сифатини яхшилашни, унинг ташқи бозордаги рақобат қобилиятини оширишни таъминлайдиган янги, юксак самарали техникани яратиш, ўзлаштириш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш миқёслари анча кенгайтирилсин».

(«СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»дан).

КПСС XXVI съезди меҳнат коллективлари олдига илмий-техника тараққиёти суръатларини янада тезлаштириш каби муҳим вазифани қўйди. Чунки техника тараққиёти маҳсулот сифатини яхшилашнинг, ишлаб чиқариш самарадорлигини, халқ фаровонлигини оширишнинг муҳим манбаидир. Ўн биринчи беш йилликда ишлаб чиқариш базасини янада мустаҳкамлашнинг йўл-йўриқлари ва конкрет фикрлар КПСС XXVI съезди қарорларида ва у белгилаб ҳамда тасдиқлаб берган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари»да алоҳида таъкидлаб ўтилган. Жумладан, ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездига Ҳисобот докладида «80-йилларда халқ хўжалиги ривожланадиган шарт-шароитлар фан-техника тараққиёти жадаллаштирилишини яна ҳам кўпроқ зарур қилиб қўяди», — деган эди.

Бунинг асосида эса меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш, фондларнинг самарадорлигини ошириш, моддий ресурсларни тежаш, меҳнат шароитини яхшилаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш таъминланади.

Партия қарорларида халқ хўжалигининг барча тармоқларини техник жиҳатдан қайта қуроллантиришнинг негизи бўлган машинасозликни бундан буён ҳам янада тезроқ ривожлантириш назарда тутилган. Чунончи «Машинасозлик ва металл ишлаш саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 баравар кўпайтирилсин», — дейилган «Асосий йўналишлар»да.

Биргина ўнинчи беш йилликнинг ўзида ана шу муҳим йўналиш бўйича «Ташсельмаш» заводида катта ишлар қилинди. Жумладан, заводни реконструкция қилиш, мавжуд ишлаб чиқариш участкаларини янги техника ва технология билан таъминлаш борасида белгиланган ишлар тўла амалга оширилди. Натижада, завод қуввати бир мунча ошди. 1981 йилда 11,5 мингта, 1985 йилга келиб эса 15 мингта «зангори кема» тайёрлаб бериш керак.

Бу эса ўз навбатида белгиланган маррани қучишда муҳим омил бўлган янги техника ва технологияни кенг жорий этишни тақозо этади. Ўтган йили ташсельмашликлар ўз фаолиятларининг барча жабҳаларда сезиларли ютуқларни кўлга киритдилар. Асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлардан бири — маҳсулот реализация қилиш топшириги муддатидан илгари бажарилди. Мамлакатимиз пахтакорларига 9,5 мингта пахта териш машиналари, улар учун кўплаб эҳтиёт қисмлар етказиб беришди.

Албатта, бу ютуқларга коллективнинг фидокорона меҳнати билан бирга, ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш, белгиланган реконструкция ишларини ўз вақтида маромига етказиш туфайли эришилди. Бугунги кунда заводнинг кўпгина цехлари таниб бўлмас даражада ўзгариб кетди. Кенг, ёруг цехлар, замонавий станоклар, асбобускуналар, конвейер линиялар билан жиҳозланган. Машиналарнинг ишчи аппаратлари, пахтани тозаловчи агрегат ва рама йиғиладиган серунум конвейерларнинг ишга туширилиши, кабиналарни йиғувчи осма конвейернинг жорий қилиниши 22-цехда йиғув ишлари техника даражасини бирмунча оширди. Йиғув цехининг комплекс механизациялаштирилиши унинг келгусида белгиланган миқдорда пахта териш машинаси ишлаб чиқариш қувватига эришишда муҳим пойдевор бўлади. 3-цехнинг механика участкасини қайта қуриш тишли шерстерналар ишлаб чиқариш қувватини ошириш имконини берди. 2-цехда ҳам янги техника ва технология кенг жорий этилди. 15-цехда капитал ремонт ишларининг маромига етказилиши 14 ва 22-цехлар билан осма транспорт алоқасининг ўрнатиш имконини берди. Энди бир цехдан иккинчи ва учинчи цехга осма транспортёр орқали шпинделлар ва шпинделли барабанлар ўтаверади. 6500 квадрат-метр майдонда механизациялаштирилган омборнинг ташкил этилиши ишчилар сонини қисқартирибгина қолмай, балки айрим ишларда ишни умуман енгиллаштириш, кўл меҳнатини қисқартириш, қимматли материалларнинг яхши сақлаш имконини берди. Ҳали монтаж қилинмаган асбоб-ускуналар эса фақат ёпиқ омборларда сақланмоқда.

Эндиликда завод йўлакларида пахта териш машиналарининг бетартиб, қалашиб ётганини кўрмайсиз. Улар учун махсус майдон қурилган. Завод цехларнаро транспорт қатнови учун йўллар, йўловчилар учун махсус йўлакчалар бунёд этилди. Шунингдек, 6-ва 10-цехларни ҳам техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бугунги кунда катта самара бермоқда.

1981 йил бошида корхонани техник жиҳатдан қайта қуроллантириш бўйича навбатдаги икки йиллик план ишлаб чиқилди. Коллектив зиммасига 1981—1982 йилларда ишлаб чиқаришнинг техника даражасини мамлакатнинг энг илғор корхоналари даражасига олиб чиқиш вазифаси қўйилган. Буни бир-иккита мисоллар орқали билса ҳам бўлади. Жумладан, 2-корпус (4, 6 ва 10-цехлар) пресс-тайёрлов ишлаб чиқаришига ихтисослаштирилади. Пайвандлаш ишлари янги цехда амалга оширилади. Шунингдек, металл учун оддий омбор, штамплар учун эса автоматлаштирилган омбор қурилади. 22-цехда машиналарни топшириш участкасини кенгайтириш учун қўшимча қурилиш ишлари амалга оширилади. Бош конвейернинг янги трассаси тайёрланади ва монтаж қилинади. Машиналарни синаш участкасининг техника даражаси оширилади. Бункер пакетлари учун кўп қаватли механизациялаштирилган омбор қурилади. Ана шу ишларнинг кўп қисми ҳозирда амалга ошмоқда.

Заводда мавжуд техника ва технологиянинг такомиллаштиришда ихтирочи ва рационализаторлар бюросининг ижодий фикр кишилари катта роль ўйнамоқдалар. Улар ўзларининг қимматли фикрларини ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга ва иш ҳамда тайёрланаётган маҳсулот сифатини яхшилашга қаратмоқдалар. Заводда ҳар бир ишчи ва мутахассиснинг ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан такомиллаштиришга ҳисса қўшиш ҳаракати кенг кулоч ёймоқда. Биргина ўнинчи беш йилликда завод ихтирочи ва рационализаторлари юзлаб таклифлар киритишиб, уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш эвазига миллион сўмлаб иқтисодий самара олишга эришдилар.

«Бир грамм металл бир тонна металлни тежайди!» — «Ташсельмаш» заводи темирчилари бу шиорни оғишмай амалга ошириш учун интиладилар. Улар беш йилликни иккинчи йилида амалга ошириладиган қатор тадбирларни ишлаб чиқишди-ки, бу тадбирлар коллектив тежаб қоладиган пўлат фондини ой сайин кўпайтириш имконини беради. Масалан, машиналарнинг энг кўп ишлатиладиган деталлари — болтларни исиқ штамповка қилишни жорий этиб, новаторлар ишлаб чиқариш маданиятини, буюмларнинг сифатини оширдилар.

Шу кунларда ижодий фикр кишилари завод конструкторлари, мутахассислар билан ҳамкорликда катта изланиш олиб бормоқдалар. Улар оддий станокнинг унумдорлигини оширишдан тортиб, тайёрланаётган пахта териш машиналарининг конструкциясини ўзгартиришгача бўлган қимматли таклифларни киритмоқдалар. Улар ўн биринчи беш йилликда ҳам ўнлаб таклифлар киритишиб, жуда катта иқтисодий самара олиш мажбуриятини олганлар.

Хуллас, техника тараққиёти йўлида тинмай изланаётган завод меҳнаткашлари, КПСС XXVI съезди қарорларида айтилганидек, техника тараққиётини жадаллаштириш, унинг энг илғор ютуқларини кенг жорий этиш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверадилар, пахтакорларимиз учун замонавий, такомиллашган машиналар етказиб бераверадилар.

М. МЎЙДИНОВ,
К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлик заводи 10-цехи пайвандчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Яхшидан бог қолади

Гўзаллик барг ёйсин

Чилонзор район ободонлаштириш бошқармасининг қўли гул меҳнатчилари бу йил район территориясига 21 минг туплан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқазишди. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллик тўйи шарафига ўзаро социалистик мусобақани авж олдирган аҳил коллектив яна 38 минг 400 туп гул кўчати ва 42 минг дона яшил тўсиқ ўтқазиш мажбуриятини қабул қилишиб унн ҳам шараф билан бажаришди.

Шуниси қувончлики, шу йилнинг ўзидаёқ районда бир неча янги микрохиёбонлар барпо этилди. Сўлим оромгоҳлар, кўркам хиёбонлар районнинг жамолини янада гўзаллаштирди. Ўзбекистон ССР 50 йиллиги номли янги микрохиёбон 0,6 гектар ерни ташкил этиб, у ерга 500 туп чинор ва ясен дарахти, 3 минг дона яшил тўсиқ ўтқазилди. Шунингдек, «Дўстлик» дам олиш зонасида 0,6 гектар ер ажратилиб, у ерга 600 туп дарахт, 12 минг дона яшил тўсиқ ўтқазилди. Гавҳар кўчасида эса ярим гектар ер текисланиб, 400 туп манзарали дарахт, яшил тўсиқлар ўтқазилди. Янги микрохиёбонлар ташкил этиш, ерларни текислаш ишларида ободончиларга «Узоргтехводстрой» трестига қарашли 5, 7- ва 482-қурилиш бошқармалари ининг бульдозерчи ва автогрейдерчилари яқиндан ёрдам беришмоқда. Уларнинг ҳиммати билан кўримсиз ерлар ўзлаштирилиб, боғрогларга айлантирилянти.

Бошқарма коллективининг ўтган йилдаги меҳнат фаолиятига назар солсангиз район территориясида кузги кўчат ўтқазиш ойликларида 22 минг туп дарахт, 53 минг дона яшил тўсиқ ўтқазилди ва 250 минг погонметрдан зиёд ирригация шохобчалари созланди.

Меҳнаткашлар қиш ойларидаёқ Волгоград, Муқимий, Халқлар дўстлиги, Чилонзор, кўчаларида майда ремонт ишларини бошлаб юборишганди. Бу ишлар ҳозиргача тугатилиб, айни кунларда ободончилар Большевик, Қатортол кўчаларидаги майда чуқурчаларни тугатишмоқда. Ана шу кўчалардаги майда ирригация шохобчаларини созлаш, янги ариқчалар барпо этиш ишларини Т. Ўрмонбоев ва И. Симицяки бошлиқ бригада аъзолари бажаришмоқда. П. Носиров, И. Нурматов, Х. Уронов сингари ирригаторлар нормаларини 130-155 процентдан бажаришмоқда.

— Баҳорги мавсумда коллективимиз 257 минг 465 погонметр узунликдаги майда ирригация йўлларини тозалаш мажбуриятини олган эди, — дейди ирригация бўлими бошлиғи У. Абдуллаев. Биз 220 минг погон-метрдан зиёд майдондаги сув келиш йўлларини созлаш ишларини амалга оширдик.

Ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларида райондаги маҳалла коллективлари алоҳида ибрат кўрсатишмоқда. Баҳор фаслининг ўзида Дўмбиробод маҳалласида бир ярим минг туп мевали ва манзарали дарахт, 4 минг 380 дона гул ва яшил тўсиқ ўтқазилди. Шунингдек, Тинчлик маҳалласида 1 минг 500 туп гул кўчати ўтқазилди. 2-«Қатортол» маҳалласида эса 400 туп дарахт, бир ярим минг дона гул ва яшил тўсиқлар ўтқазилди. Шуниси қувончлики, ана шу территориялардаги сув келиш ҳавзаларини созлаш, янги ирригация тармоқларини барпо этиш ишларини маҳалланинг қўли гул ташаббускорлари бажаришаётир.

Район территориясидаги жўшқин меҳнат, кенг авж олаётган умумхалқ ҳашарларидан районнинг эртанги жамоли янада гўзал бўлишини билса бўлади. Лекин, шуниси ачинарлики, бу ерда ўзларининг бепарволиклари сабабли район территорияси ҳуснига доғ тушираётган коллективлар ҳам йўқ эмас.

Район бўйича 405 минг 480 погон-метр узунликдаги ирригация шохобчалари бўлса, шундан 147 минг 464 погон-метри бу ердаги ЖЭКларга қарайди. Нима учундир, кўпчилик ЖЭКларнинг хизматчилари масъулиятни унутиб қўйишяпти.

16-кварталдаги, 45-ЖЭКка қарашли 15-уйнинг қаршисидаги яшил тўсиқлар қаровсиз қолган, тарвақайлаб ўсиб ётибди. Бу ердаги сув келиш йўллари бузилган. Шунингдек, 9-ЖЭКка қарашли 3, 4-уйлар атрофидаги ирригация тармоқлари созланмаган.

Гагарин кўчасидаги Фурқат номли район марказий кутубхонаси қаршисидаги ирригация йўли тўсилиб қолганлиги сабабли, бу ерда тез-тез сув тошиб туради.

44-уй-жойлардан фойдаланиш идорасига қарашли 1-а, 10, 14, 33, 39, 47 ва 56-уйлар атрофидаги ирригация шохобчалари тартибга келтирилмаган. Идора бошлиғи Л. Гилни ўз хонасида учрата олмадик. Идора хизматчиларидан камчиликлар сабабини суриштирсангиз, улар елка қисиб жавоб қайтаришади.

Майда шохобчаларнинг вақтида созланмаслиги территория ҳуснига доғ тушириш билан бу ерга ўтқазилган кўчатларнинг қуриб қолишига сабаб бўлмоқда. Райондаги ЖЭКларнинг коллективлари ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларига аҳолини кенг жалб этишса айни муддао бўлар эди.

Тошкентни коммунистик меҳнат, юксак маданият ва намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантиришда ҳаммамиз иштирок этишимиз, ўзимизга биркитилган участкаларда ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини уюшқоқлик билан олиб боришимиз керак. Ана шунда шаҳримиз янада гуллаб яшнайди.

А. АҲМАДАЛИЕВ.



«Узбексельмаш» машинасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида пахтакорлар буюртмасини тез ва соз бажариш учун бутун имкониятларни ишга солиб меҳнат қилишяпти.

Юқоридаги суратда корхона ишчиларидан Б. Толибоев ва Р. Ўрвзалиев (чапдан-ўнгга) тайёр маҳсулот участкасида жўнатишга ҳозирлаб қўйилган агрегатларни кўздан кечиришяпти.

Пастдаги суратда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг ёш печатниги Олим Раимқуловни кўриб турибсиз. У шу кунларда смена топшириқларини мунтазам 120—130 процент адо этиб, ҳамкасбларига намуна бўляпти. М. Нуриддинов фотолари.



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

ХАЛҚАРО ТЕХНИКА ЯРМАРКАСИ

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтида халқаро техника ярмаркаси ёпилди. Ярмаркада жаҳондаги 30 мамлакатнинг қарийб 2 мингта ташқи савдо ташкилоти ва фирмаси ўз маҳсулотини намойиш қилди. Ярмарка томошабинлари электрон-ҳисоблаш техникасининг энг янги ютуқлари билан, приборсозлик, алоқа, энергетика, химия саноати ва оғир машинасозлик техникаси янгиликлари билан танишдилар.

18 та ташқи савдо бирлашмасининг маҳсулотини намойиш қилган Совет Иттифоқи экспозицияси виставкалар шаҳарчасида энг катта экспозициялардан бири бўлди. Совет алоқа воситалари, шунингдек химия корхоналарининг маҳсулотлари чет эл фирмалари инженерлари, конструкторлари ва мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди.

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШГА ДАЪВАТ

ГААГА. Тинчлик ва хавфсизлик проблемалари юзасидан ёзувчиларнинг Гаага чеккасида бўлиб ўтган Европа конференцияси тинчлик учун қатъий курашга даъват этиш билан тугади.

Европадаги 18 та мамлакатдан ёзувчилар делегациялари, анжуманга таклиф этилган журналистлар ва турли урушга қарши ташкилотларнинг кузатувчилари уруш ва тинчликнинг бир қанча актуал масалалари юзасидан фикрлашдилар.

Европа ёзувчилар конференцияси резолюция қабул қилди. Совет ёзувчилар делегациясининг таклифи бу резолюцияга асос қилиб олинди. Ҳужжат Европа ижодкор зиёлиларини тинчлик учун, қуролланиш пойгасини авж олдиришга қарши ва қуролсизланиш учун курашда куч-ғайратни бирлаштиришга чақиради.

Конференция Европа тинчликсевар кучларининг ўзаро ҳамжиҳатлигини ва янада бирлигини яхшилаш мақсадида ўзаро фикр лашувни давом эттиришга қарор қилди. Қитъа ёзувчилари бошқа қитъаларнинг вакилларини ўз конференцияларида иштирок этишга жалб қиладилар.

Совет кишиларининг манфаатлари йўлида

Халқаро жамоатчилик ва матбуот КПСС Марказий Комитети Май Пленуми якунларини, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда қилган докладини, СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программасини ҳамон кенг шарҳламоқдалар. Шаҳарларда Совет Иттифоқи озиқ-овқат проблемасини тубдан ҳал этиш учун барча зарур воситаларга — юксак ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга, қудратли илғор индустрия ва юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалигига эга эканлиги уқтириб ўтилади.

Л. И. Брежневнинг доклади, деб ёзади Болгарияда чиқадиган **«Работническо дело»** газетаси, — ғоят катта пазарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган ҳужжатдир. Доклад ўзининг ижодий новаторлик руҳи билан катта таассурот қолдиради, КПСС аграр сиёсатининг тўғрилиги ва изчиллигининг ёрқин далили бўлиб хизмат қилади. КПСС Марказий Комитети Пленумининг бутун иши, унда қабул қилинган ҳужжатлар совет жамияти — бунёдкорлик жамияти бўлиб, унга тинчлик зарур эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Озиқ-овқат программаси ва КПССнинг, СССРнинг тинчлик учун олиб бораётган кураши ўзаро уйғунлашган бўлиб кишилар фаровонлиги тўғрисидаги ғамхўрлик қилишидан иборат бош мақсадга бўйсундирилган.

Империализмнинг совет Иттифоқига тазйиқ ўтказишга уринаётганлигига қарамай, деди Афғонистон Халқ Демократик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, партия марказий Комитетининг секретари **С. Муҳаммад Зерай** советлар мамлакати белгиланган йўлдан қатъият ва комил ишонч билан олга бормоқда.

Американинг **«Ньюсдей»** газетаси Совет Иттифоқи «қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида СССР экономикасининг ана шу тармоғига капитал маблағ сарфлашни кескин кўпайтириш»га қаратилган йўлни ўтказмоқда, деб таъкидлайди.

Ғарбий Германияда чиқадиган **«Франкфуртер рундшау»** газетаси қуйидагиларни ёзади: ишлаб чиқаришни интенсивлаш қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш калити эканлиги пленумда таъкидлаб ўтилди. Совет озиқ-овқат программаси аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш зарур. Ғарбий Германиянинг бошқа бир газетаси — **«Вельт»** программа капиталистик мамлакатлардан озиқ-овқат харид қилишни қисқартириш заруратидан келиб чиқаётганлигига эътиборни жалб этади. Совет Иттифоқи, деб таъкидлайди газета, дон сотиш каби одатдаги савдо-сотиқ операцияларидан сиёсий тазйиқ воситаси сифатида фойдаланишга йўл қўймайди.

Австриянинг **«Арбайтер-Цайтунг»** газетаси КПСС Марказий Комитети Пленумининг материалларида кенг кўламдаги мақсадлар белгиланганлиги ва унга эришиш СССР қишлоқ хўжалигини анча юксалтиришга олиб келиши зарурлигини уқтириб ўтади. Швейцарияда чиқадиган **«Трибон—Матэн»** газетаси КПСС Марказий Комитети Пленуми тўғрисидаги хабарни «кенг кўламдаги озиқ-овқат программаси» деган сарлавҳа остида эълон қилди. Газета совет давлати қишлоқ хўжалигини тубдан юксалтириш мақсадида экономиканинг ана шу тармоғига жуда катта маблағлар сарфлаётганлигига, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, қишлоқ аҳолисининг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилашга катта аҳамият берилаётганлигига эътиборни жалб этади.

СССРнинг қишлоқ хўжалик соҳасидаги сиёсати, деб уқтиради Япониянинг **«Асахи»** газетаси, мамлакатни озиқ-овқат билан тўла-тўкис таъминлаш учун базани мустаҳкамлашни кўзда тутади.

Айни вақтда Ғарб матбуотининг бир қанча органлари совет қишлоқ хўжалигининг муваффақиятлари ва имкониятларини камайтириб кўрсатишга, СССР озиқ-овқат программасининг реаллигини шубҳа остига қўйишга уринмоқдалар.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

АНҚАРА. Туркия полицияси мамлакат бош солиқ бошқармаси ходимлари билан биргарликда иш олиб борди. Натижада қалбаки молиявий ҳужжатлар тайёрлаш ва уларни сотиш билан шуғулланган бир гуруҳ шахслар қамоққа олинди. Бу қалбаки ҳужжатлардан 220 дан ортиқ хусусий фирма ўз даромадларини маъмурлардан яшириш учун фойдаланган. Бу қаллоблар ва уларнинг мижозлари давлатга келтирган умумий зарар, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 10 миллиард туркия лирасидан ошиб кетди.

* * *

ТУНИС. Тунис вакиллар палатасининг раиси Маҳмуд Миссаади Қуддусда Европа кенгаши сиёсий комитети мажлисининг ўтказилиши Исроил қонунга ҳилоф равишда бу шаҳарни ўзлаштириб олганлигини эътироф этишдан ва БМТ ҳамда бошқа халқаро ташкилотларнинг Исроил босқинчиларининг барча территориал даъволарини рад этувчи резолюцияларини бузишдан иборатдир, деди.

М. Миссаади Европа кенгашининг арабларга қарши бундай ҳаракатини қоралаб, бу Ғарбий Европа Бегин ҳукуматининг агрессив босқинчилик сиёсатини қўллаб-қувватлаётганлиги билан баб-баравардир, деди.



Жазоир Халқ Демократик Республикаси Шимолий Африкадаги йирик давлатлардан бири бўлиб, аҳолиси 18 миллион кишидан зиёдроқдир. Мамлакат мустақиллик йилларида катта муваффақиятларга эришди.

СУРАТДА: Республика воҳаларидан бирида.

ТАСС фотохроникаси.

• *Қизил байроқли коллективларда*

Матбаачилар ғайрати

«Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-босмахона коллективи номига Москвадан телеграмма келди. Унда шундай дейилганди: «СССР Давлат нашриёти комитети, маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети биринчи квартал социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажарганлигингиз ва Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига кўра кўчма Қизил байроқни қўлга киритганлигингиз билан сизларни қизғин табриклайди».

СССР Давлат нашриёти комитети раиси: Стукалин.

Маданият ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети раиси: Пашков».

Хушхабарнинг қаноти бўлади деганларидек, бир зумда бу хабар корхона бўйлаб тарқалди. Дарҳақиқат, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол иштирок этиб, «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остидаги беллашувда юксак кўрсаткичларга эришаётган 3-босмахона коллективи ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажаришга ҳаракат қилмоқда. Матбаачиларнинг ғайрати самараси юқори бўлаётганлигидан тўрт ойликда эришилган натижалар яққол далолат беради. Коллектив маҳсулот реализация қилиш тўрт ойлик топшириғини белгиланган муддатидан анча илгари адо этиб, пландаги 426 минг сўмлик ўрнига 433,9 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга, белгиланган 4545 минг нусха босма-лист ўрнига 5677 минг нусха босма-лист чоп этишга муваффақ бўлди.

Матбаачилар шартнома мажбуриятига кўра нашриётларнинг буюртмаларини тез ва соз бажаришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Жумладан, «Радуга» нашриётининг буюртмасига кўра шарқ тилларида Ойбекнинг «Қутлуғ қон» романи кўп нусҳада чоп этилди. Шунингдек, ҳарф териш ва муқовалаш жиҳатидан мураккаб бўлган бир қатор буюртмалар ҳам маромига етказилди.

С. ҲАСАНОВА.



Шаҳримиз обод ва кўркам бўлиб бормоқда. Янгидан-янги бунёд этилаётган массивлар ва хиёбонлар унинг ҳуснига-ҳуси қўшяпти.

СУРАТДА: Узбекистон проспектининг бугунги манзараси тасвирланган.

Мураббиядан ибрат олиб

— Ҳа, пионер ёзи бошланяпти. Ана шу даврда фарзандларимиз ўз сиҳат-саломатликларини янада мустаҳкамлайдилар, жисмоний жиҳатдан чиниқадилар. Актив дам олиш уларнинг ахлоқий жиҳатдан шаклланишларида муҳим аҳамият касб этади. Ана шу боисдан партия ва совет органлари болаларимизнинг ёзги дам олишини сермазмун ўтказишга пухта тараддуд кўрдилар. Болаларимизни Чимён тоғ бағрида, Ангрен, Қибрай дам олиш зоналарида жойлашган 60 та лагерлар кутмоқда. Бу оромгоҳларда 70 мингдан зиёд мактаб ўқувчилари ҳордиқ чиқаришади. Шаҳримизнинг ўзида эса 116 та шаҳар пионер лагерлари ташкил этилди. Уларда 34 минг бола дам олади.

Бу йил ўтган йилгига қараганда лагерлар сони кўпайди. Булар «Главташпассавтотранс»нинг Бўстонлиқ районида жойлашган «Автомобилист», «Узбекнефть»нинг Ўрта Чирчиқ районида жойлашган «Нефтяник» ва «Миконд» заводининг лагерларидир.

Лагерларда амалга ошириладиган ишларнинг аниқ режалари тузиб чиқилган. Пионер дружиналари КПСС XXVI съезди материалларини, мамлакатимизнинг қаҳрамонона ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти билан боғлиқ материалларни ўрганади.

Юқори синф ўқувчиларининг бешинчи меҳнат чораги ҳам намунали ташкил этилади. Ўтган йилларда бўлгани каби бу йил ҳам юқори синф ўқувчилари Тошкент областининг хўжаликларида меҳнат қилишади. Улар хўжаликларда ишларни актив дам олиш билан бирга қўшиб олиб борадилар. Бу билан улар биргина саломатликларини мустаҳкамлаб қолмасдан қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига яқиндан ёрдам берган бўладилар, ўз меҳнатлари билан коллектив меҳнати гаштини сурадилар, ғоявий ва меҳнат кўникмасини ҳосил қиладилар. Ҳаммаси бўлиб меҳнат ва дам олиш лагерларида юқори синф ўқувчиларидан 9 минг бола меҳнат қилади.

Бундан ташқари кўпгина ўқувчилар шаҳримиз корхоналари ва қурилишларида ҳам меҳнат қиладилар. Жумладан, Киров районининг ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида таҳсил кўраётган юқори синф ўқувчилари 14 ихтисослик бўйича Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номидаги тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида, «Узбексельмаш», асбобсозлик заводларида, Киров район ошхоналар трестида ва бошқа жойларда ишлаб чиқариш практикасини ўтайдилар.

Бир сўз билан айтганда ўқувчилар ўзларининг ёзги каникулларини мароқли ўтказиб, янги куч ва ғайрат билан янги ўқув йилига келадилар. Бунинг учун уларга барча шарт-шароитлар яратилади.

Ҳаётимиз гуллари

Фарзанд оила пойдевори, унинг беқиёс бахти. Фарзанд, кексаларимиз таъбири билан айтганда, кўзимизнинг нури, белимизнинг қуввати, дилимизнинг ғурури. Унинг камолини, хизматимизга камарбасталигини кўрганимизда, унинг ҳақида эл-юртнинг илиқ гаплари қулоғимизга чалинганида чиндан ҳам кўзимиз нурга, дилларимиз ғурурга тўлади.

Оиладаги юксак маънавий муҳит, ота-онанинг шахсий намунаси болаларда энг яхши ахлоқий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради.

Мамлакатимизда болаларга кўрсатиладиган эътибор, меҳр-муҳаббат оила даврасидан ташқарига — давлат миқёсига чиққан. Шунинг учун бизда болалар ҳақида гапирилганда «меҳр-муҳаббат» иборасига яна «ғамхўрлик» сўзи қўшиб тилга олинади. Аниқроқ қилиб айтсак, болалар тўғрисида ғамхўрлик қилиш Советлар мамлакатида давлат сиёсатига айланган. СССР Конституциясининг 53-моддасида, жумладан, шундай битилган: «Болалар муассасаларининг кенг шахобчаларини барпо қилиш ва ривожлантириш, маиший хизмат кўрсатишни ва умумий овқатланишни ташкил этиш ва такомиллаштириш, бола туғилганда нафақа тўлаш, кўп болали оилаларга нафақалар ва имтиёзлар бериш, шунингдек оилага бошқа турдаги нафақа ва ёрдам бериш йўли билан давлат оила тўғрисида ғамхўрлик қилади».

Совет ҳокимияти барпо қилинган дастлабки кунлардан бошлабоқ давлатимиз болаларга ғамхўрлик қилишни ўзининг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб қўйди. Бундай ғамхўрлик Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлабоқ кўрсатила бошланди. Масалан, болалар техника ижодига катта аҳамият берилди. Ўзбекистонда биринчи болалар техника станцияси 1929 йили Самарқандда Марказий техника ва қишлоқ хўжалик станцияси номи билан ташкил қилинган эди. 1940 йили Тошкентда болалар темир йўли қурилди. Ўзбекистон ССРдаги ёш техниклар станцияларида 200 га яқин ҳар хил тўгарак ишлаб турибди. Уларда 10 мингдан ортиқ бола техника ижоди билан шуғулланмоқда. Бундай тўгараклар ва улар ишининг мазмуни болаларнинг ёш хусусиятлари ва тайёргарлик даражасига мувофиқлаштирилади. Кичик ёшдаги мактаб болалари учун ташкил қилинган тўгаракларда улар аввал автомобиль, самолёт кабиларнинг қоғоз ва картон моделларини ясайдилар, сўнгра ёгоч, металл, пластмасса, резиналардан фойдалана бошлайдилар. Ўрта ёшдаги мактаб болаларида одатда, радио, авиация, ракеталар ва техниканинг бошқа турларига қизиқиш пайдо бўлади. Ўз қизиқишларига мувофиқ улар авиамодель, ракета техникаси, радиотехника, радиотехника тўгараклари ва бошқа тўгаракларга қатнашадилар.

Катта ёшдаги мактаб ўқувчилари математика, физика фанларидан анча кенг билимга эга бўлганлиги учун техника воситаларигагина эмас, шу билан бирга, унинг илмий асосларига ҳам қизиқадилар. Улар физика-техника, радио-электроника, автоматика, кибернетика каби тўгаракларда шуғулланадилар. Бундай шароит бизнинг Советлар мамлакатида яратилган. Ваҳоланки, ҳозир дунё бўйича мактаб ёшидаги салкам 300 миллион бола ўқишдан маҳрум. Халқаро меҳнат ташкилотининг берган маълумотига қараганда, 54 миллион бола рўзғор ташвишида ишлашга мажбур бўлмоқда. Булар капиталистик мамлакатларнинг болаларидир.

Тинчлик — болалар бахтининг гарови, тинчлик шароитидагина болалар рисоладагидек ўсиб-униши, ҳар томонлама уйғун тарбия ва билим олишлари мумкин. Шундай қилиб, болалар бутун башариятнинг меҳнати ва ақл-заковати билан яратилган жами нарсаларнинг ворислари, келажакнинг эгаларидир, ҳаётимиз гулларидир.

О. КАРИМОВА.

ТИНЧЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН

• *Фестиваль экрани*

УМУМИНСОНИЙ ТУЙҒУЛАР ТАСВИРИ

Таниқли турк кино актрисаси Тюркан Шорай киномухлисларимизга Чингиз Айтматовнинг «Сарвиқомат дилбарим» қиссаси асосида турк кинематографчил а р и томонидан яратилган «Қизил дуррача» фильми орқали жуда яхши таниш. Актриса экранда Асал образини ўта қонли гавдалантирганлиги, унинг қалбидаги гўзаллик ва самимиятни ёрқин очиб бера олганлиги билан томошабинларни ҳаяжонлантирган эди. Актриса турк кинематографчил а р и яратган бошқа қатор фильмларда ҳам рангбаранг бетакрор образлар яратган.

Шу кунларда Тошкентда ўтаётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VII Халқаро кинофестивалида намойиш этилаётган турк кинематографчил а р ининг картиналарида ҳам таниқли актриса ва режиссёр асосан бош ролларни ижро этган. Улардан бири режиссёр Файзи Туна томонидан суратга олинган «Сени қалбимга кўмдим» номли бадиий фильм бўлиб, картинада Тюркан Шорай асар бош қаҳрамони образини жуда мукаммал ҳолда гавдалантиришга муваффақ бўлган. Бу фильм асосан муҳаббат мавзуида, унда турк ҳаётидаги ижтимоий масалалар ҳам талқин этилади.

Тюркан Шорай қаҳрамони Истамбулда истиқомат қилаётган бой-бадавлат оиланинг бекаси. Уларнинг ҳамма нарсаси бор — машинаю виллалар ҳам, дабдабали ҳашамлар ва учрашувлар ҳам. Лекин уларнинг турмушида икки қалбни бир-бирига боғлаб турувчи муҳаббат етишмайди. Оилавий турмуш кечувида бирдан-бир восита бўлиб турган уларнинг қизчаси автомобиль фалокатида ҳалок бўлади. Энди эр-хотин ўртасидаги бир-бирига меҳр йўқлиги янада равшан бўла бошлайди. Лекин она ҳаммасидан ҳам кўра қизидан айрилганидан каттиқ изтироб чекади. Уни на мовий денгизнинг афсонавий, манзаралари, на бу гўзал хонимга бўлган атрофдагиларнинг ҳурмат-эътибори овунтира олади. У дабдабали кеча ва ҳашамларда ҳам узоқ ўтира олмас, юраги сиқилиб, ҳеч кимга қўшила олмасдан эрини уйга кетишга ундайди. Ўзининг молиявий ташвишлари билан банд бўлсада, эри хотинини сал-ёзилиб келсин деган умидда бошқа шаҳардаги қариндошларинникига юборади. Тюркан Шорай қаҳрамони бу ерда кўплаб танишбилишларинникида, дугоналариникида бўлади. Табиатнинг гўзал манзаралари, денгизнинг дилни эркаловчи мовий тўлқинлари бағрида кезсада, дўстлари даврасида бўлсада унинг кўз олдидан ҳалок бўлган қизчаси бир дам кетмайди. Унинг гўзал сиймосида доимо маъюслик акси билиниб туради. Бу ёш меъмор ва рассом йигитни ўйлантириб қўяди. У хонимнинг суратини кўп бор чизишга уринади. Лекин унинг кўзларидаги бой жозиба, теран туйғуларни табиий чиза олишига, хонимнинг қалбидаги маъюслик юзида шундай билиниб туриши халақит беради. У кўп бор чизган суратларини йиртиб ташлайди. Аста-секин бу икки қалб ўртасида муҳаббат туғила боради. Тюркан Шорай қаҳрамони йигитни бирданига эмас аста-секинлик билан, ўзи сезмаган ҳолда севаётганлигини ҳис этади. Бу энг аввало йигитнинг унинг қалбидаги теран туйғуларга бефарқ қарай олмаганлиги, унинг ўзига хос маънавий оламини нозик илғаб қадр-қимматини эъзозлай олганлиги туфайли содир бўлади. Улар бир-бирлари билан турмуш қуришга келишадилар. Лекин хонимнинг эри хотинидан ажралишни истамайди: у оиланинг кўпгина қарзлари борлиги, бу қарзларнинг бир қисмини тўлашда хотини ҳам бурчли эканлигини пеш қилади. Эр шундай қилиб гўзал хотинини ўз оиласида олиб қолишга ҳаракат қилади. Лекин хотин рассомникига кетиб қолади, улар бирга яшай бошлайдилар. Кутилмаганда яна Истамбулдан унинг—зиммасидаги бурчларни эслатувчи хат келади. Гўзал хонимнинг бу ерда қолишга иложи йўқ эди. У яна ўз оиласига қайтиб боради. Эри уни яна дабдабали кечалар ва ҳашамларга бошлайди. Шундай кечаларнинг бирига Истамбулдан меъмор йигит ҳам таклиф этилган эди. Уй бекалари орадаги воқеадан бехабар ҳолда уларни бир-бирига таништирадилар. Аввало улар бундан ҳангу-манг бўлишади, ўзларини бефарқ кўрсатишга шунча уринишмасин барибир сир фош бўлади. Ноқулай вазиятга тушган Тюркан Шорай қаҳрамони қалбида изтиробли туйғулар кечади. У энди ўзини жиловлай олмайди: кўп ичади, рақсга тушади, шўхлик қилади. Охирида кечадан бир ўзи чиқиб кетади. Буларнинг ҳаммасини кўрган унинг эри ҳам номусдан қийналади. Фильм охирида ширакайф ҳолда шаҳар кўчаларида бир ўзи танҳо тентираб бораётган гўзал хонимни кўрамиз. Меъмор йигит унинг ортидан келиб, машинасини тўхтатади ва чиқишга ундайди, лекин гўзал хоним рад этади. «Сени қалбимга кўмдим» фильми шу ҳолда якунлансада, икки қалбнинг бир-бирига етишишига тўсқинлик қилган жамиятдаги ярамас иллатлар моҳияти яққол билиниб туради.

Тюркан Шорай инсон қалбининг энг теран умуминсоний туйғуларини ёрқин гавдалантира олган роллардан яна бири турк кинорежиссёри Йилмаз Дурунинг «Агар илонни ўлдирсалар» фильмида яратган Асма образидир. Ёзувчи Яшар Камол асари асосида яратилган ушбу картинада муҳаббат эркинлигига ҳалал берувчи ҳамон яшаб келаётган ақидаларнинг нечоғлик ярамаслиги ва социал тенгсизлик жуда чуқур акс этган. Фильмда Тюркан Шорай она образида фарзандига бўлган меҳр-муҳаббатни ҳаётнинг энг оғир, даҳшатли синовларига, қийноқларига дуч келганда ҳам йўқотмаган, тақдир не куйга солмасин ўзининг оналик бурчини ҳимоя қила олган қаҳрамон қалбидаги барча нозик жиҳатларни экранда тўлақонли бера олган.

Асма ёшлигида гўзал йигит билан дўстлашади. Улар бир-бирини жондан ортиқ севишади, лекин қизнинг ота-оналари бу йигитга Асмани бермасликка ҳаракат қилишади. Тақдир уларни шу тариқа ажратиб юборади. Лекин йигит ўзининг соҳибжамол Асмасидан бир дақиқа ажралишни тасаввур этолмайди. Асма бошқа эрга чиқиб, болали бўлиб кетган бўлсада ҳар қандай шароитда у билан учрашишга, энг қийин даҳзаларда ҳам Асмани топиб келишга муваффақ бўлади. Тоғ-тошларида дайдиб юради. Улар яширин жойда учрашиб ҳам туришади. Лекин Асманинг ўғли Асан энди катта бўла бошлайди. У ўзининг севгилисини ҳар қанча севмасин оиласига хиёнат қилаётганлиги, софдил ўғли кўзига қарай олмаётганлиги қийнаб қўяди. Учрашувлардан бирида у йигитга энди келмагин, менинг оилам, ўғлим бор, тинч қўйгин, деб ёлворади ва буни қаттиқ талаб қилади. Севгилиси билан учрашиб туриш имкониятидан маҳрум бўлган йигит Асманинг эрини отиб ўлдиришга мажбур бўлади. Лекин қасоскор қариндошлар ҳалок бўлган жигари хуни учун тоғ-тошлардан йигитни ҳам топиб келиб, ўлдиришади. Буларнинг ҳаммаси Асманинг ўғли Асан кўз ўнгида содир бўлади. Қасоскор қариндошлар бу билан ҳам кифояланмасдан икки йигит жони қурбон бўлишига сабабчи бўлган Асмани ҳалок этишга ҳаракат қиладилар, ҳар хил хийла-найранглар билан уни қийнайдилар. Унга болани ташлаб кетгин дейишади. Лекин бола онасидан, она боласидан ажралишни тассаввур ҳам қила олмайди. Бола ана шундай қасоскорлар муҳитида уларнинг жабр-зулмидан онасини ҳимоя этади. Энди ҳалок бўлган эрининг қариндошлари Асмани ўлдиришга журъат этишаолмайди, ҳар хил йўллар билан қийноқларга солишсада, номус ўтида қовуришсада, унинг гўзаллиги олдида, фахм-фаросатни, боласига меҳри олдида ожиз қоладилар. Улар энди ўзларининг жигарбандлари, бирдан-бир меросхўр Асан орқали Асмадан ўч олишга ҳаракат қилиб, болани онага қарши қўя бошлайдилар. Уни яхши кийинтиришади, янги сарполар, от совға қилишади. Боболаридан отасига ўтган милтиқни эсдалик учун беришади. «Сен отангнинг қасосини олишинг керак» деб унинг энди шаклланиб келаётган онгига таъсир этишади. Ҳалок бўлган ўглининг аламида кун сайин худбинлашиб бораётган кампир момоси ҳам Асанни қасос олишга ундайди, ҳар хил йўллар билан алдаб-аврайди. Бола тушларида отасини кўриб қичқириб уйғониб кетади. Беҳад изтиробда қийналади. Уни бир томондан отасининг қасоси тинч қўймаса, иккинчи томондан отасининг қариндошлари ундови туфайли онасига нисбатан туғилган ишончсизлик ва меҳр тўқнашуви оғир аҳволга солиб қўяди. Бу зиддиятли туйғулар охир-оқибатда Асанни онасини отишга олиб келади...

Тюркан Шорай бошқа қатор фильмларда бўлган каби ушбу картинада ҳам яратган она образи ўзининг бетакрор даражада яратилганлиги билан томошабинни мафтун этади. Фильм ғоявий мақсад жиҳатидан «Сени қалбимга кўмдим» фильмига ҳамоҳанг бўлсада, унда кўтарилган маънавий ахлоқий проблема психологик тахлилга бойлиги, қаҳрамонлар қалбидаги кечинмаларнинг табиий гавдалантирилганлиги, ғоявий мақсад санъаткорона очиб берилганлиги билан ажралиб туради. Тюркан Шорай кинорежиссёр Йилмаз Дурунинг «Хазал», «Оҳ, гўзал Истамбул», «Бахтли ишчи» каби фильмларда яратган қатор образлар ҳам психологик тахлилга бойлиги, ғоявий талқин санъаткорона тасвир билан рўёбга чиққанлиги жиҳатидан ҳам томошабинни мафтун этади.

Ҳозир пойтахтимизда катта муваффақият билан ўтаётган Халқаро Тошкент кинофестивали Совет ва турк кинематографчилар нинг ҳамкорликда ижод этишлари учун ҳам муҳим роль ўйнамоқда. Ана шундай фестивалларда туғилган ижодий режалар туфайли кинорежиссёр Сабоҳат Дуру сценарийси асосида биринчи совет-турк фильми суратга олинган. Бу фильм аслида «Фарҳод ва Ширин» достони мотивлари асосида яратилган муҳаббат ҳақидаги картина бўлиб, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. «Озарбайжонфильм» киностудияси «Низомий» фильмида роль ижро этиш учун турк кинорежиссёри ва актёри Йилмаз Дуруни таклиф этди. Ҳеч шубҳасиз бундай ижодий ҳамкорлик катта самара беради. Бунда халқлар ўртасидаги дўстлик ишига катта ҳисса қўшаётган Тошкент киноанжуманларининг ҳам таъсири беқиёсдир.

М. АБДУЛЛАЕВ.



СУРАТДА: Кинофестиваль қатнашчиси япониялик кино актриса Уцуномио Мнуйо тасвирланган С. Маҳкамов ва М. Нуриддинов фотоси.

• *Сўз—фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига*

АСОСИЙ МАВЗУ — ДЎСТЛИК

Ендонгийн ДОРЖСУРЭН,
Монголия Халқ Республикаси маданият министрининг биринчи ўринбосари.

— Монголияда миллий кинематография санъатини ривожлантиришда қардош Совет Иттифоқи экран усталарининг ёрдами беқиёсдир. «Монголкино»да муваффақиятли иш олиб бораётган кўпгина режиссёр ва операторл а р и м и з Москвадаги Бутуниттифоқ кинематография институтида ўқишган. Ҳозир «Монголкино» студиясида бу институтни, шунингдек, Луначарский номидаги театр санъати Давлат институтини битирган 300 дан ортиқ мутахассис меҳнат қилмоқда. «Монголкино» санъаткорлари Москва, Киев, Ленинград ва Олмаотада атоқли совет экран усталари С. Герасимов, Л. Кумшов, Л. Косматовлардан маҳорат ва тажриба ўрганишган. Бундай ҳамкорлик катта ижодий самаралар бермоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони кинорежиссёр А. Г. Зархий доимо биз билан ҳамкорликда иш олиб боряпти. Ана шу ҳамкорлик натижасида «Монлогия ўғли», «Уни Сухэ-Батор дейдилар» каби ленталар яратилди. «Уни Сухэ-Батор дейдилар» номли кинонинг кўпгина ленталари ҳозир Халқаро киноанжуман ўтаётган Тошкентда суратга олинган. Ҳозир фестивалда намойиш қилинаётган «Гоби ва Хинган оша» фильми, шунингдек, «Нариги томондагилар эшитинглар», «Цогт-Тайж» каби картиналар ҳам ана шу икки мамлакат киносанъаткорлари ижодий дўстлигининг ёрқин самараси сифатида яратилган. Монголия ҳукумати совет ва монгол кинематографчилари и н г «Гоби ва Хинган оша» фильми муаллифларини 1982 йилги Монголия Давлат мукофоти билан тақдирлади.

Биз «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтаётган Халқаро Тошкент кинофестивалига таклиф этилганимиз ва бу ерда ўз фильмларимизни намойиш этаётганлигимиздан беҳад хурсандмиз. Айниқса ўртоқ Л. И. Брежневнинг фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриги биз кинофестиваль меҳмонлари қалбига катта қувонч бағишлади. Табрикда Тошкент киноанжуманининг халқаро аҳамиятига катта баҳо берилган.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, фестиваль ташкилий комитети Халқаро анжуманга пухта тайёргарлик кўрганлиги ҳар қадамда сезилиб турибди. Ўзбекистон пойтахтининг кўркам қиёфаси, янги меъморчилик ансамбллари бизни хушнуд этмоқда. Тошкент ўзининг меҳмондўстлиги, халқаро анжуманлар шаҳрига айланиб қолганлиги билан жаҳон халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшмоқда. Биз ана шу улкан шаҳарнинг меҳнаткашларига, санъаткорлари ва олимларига катта ташаккур билдирамиз.





Учрашув энергетикаси

«ПАХТАКОР» — «АРАРАТ» (Ереван) — 0:0.

«Пахтакор»: Рашидов, Якимцев, Билолов, Журавлев, Денисов, Петрушин, Огай (Жилкин, 61), Якубик, Иванов, Амриев, Бондаренко.

«Арарат»: Васильев, Саркисян, Керопян, Аш. Хачатрян, Раф. Галустян, Киракосян, Ан. Хачатрян, Петросян, (Варгазарян, 66), Касабоглян, Меликян, (Погосян, 80), Роб. Галустян.

Дублерлар состави ўртасидаги учрашув 0:0 ҳисобида тугади.

Билолов учрашув судьясидан огоҳлантириш олди.

«Учрашувнинг энергетикаси» иборасини биринчи бўлиб қўллаган киши етакчи тренерлардан бири, футбол назарияси бўйича билимдон Борис Андреевич Аркадьев қўллаган эди. Футбол мухлислари қисқа вақт бўлса ҳам у Тошкентнинг «Пахтакор» командасига устозлик қилганлигини унутмаган бўлсалар керак.

Аркадьев учрашув энергетикаси деганда фақат ҳаракатларнинг йиғиндиси, команда томонидан учрашув давомида сарф қилинган куч ва ироданигина эмас, қалбдан куйинишни ҳам назарда тутган эди. У ҳар қандай рақиб билан учрашувнинг бошланишидан то сўнгги дақиқага қадар беллашишга, ғалабани қўлга киритиш учун турли усулларни қидиришга тайёр бўлиши лозимлигини бир неча марта таъкидлаган эди.

Бу сафар «Пахтакор»нинг рақиби тажрибали клуб эди. «Арарат» якка пешқадам, ўз кучига ва имкониятларига ишонадиган команда сифатида келди. Арманистон футболида олиб борилган кўп йиллик тажриба ўз самарасини берди. Командада талантли футболчилар пайдо бўлди. Ёш, техник жиҳатдан пухта тайёргарликка эга бўлган, тез ҳаракат қиладиган, ҳар қандай рақиб билан сўнгги дақиқагача олишадиган футболчиларнинг пайдо бўлиши команданинг ўзига хослигини таъминлади.

«Пахтакор» билан учрашув шуни кўрсатдики, ереванликлар тактик жиҳатдан бой тажрибага эга бўлишган. Улар аниқ вазиятдан келиб чиқиб, ҳаракатларини кескин ўзгартиришлари, мудофаани кучайтирган ҳолда кутилмаганда шиддатли ҳужум уюштиришлари, тўпни бир-бирига ошириш билан уни дарҳол олдинги маррага етказиб бериш тактикасини мукаммал эгаллашган. Учрашувнинг бундай услубда бориши рақиб командани қўшимча куч сарфлаш, хушёрлик билан ҳаракат қилишга мажбур этади.

Орадан бир неча минут ўтганидан кейин меҳмонлар таваккалчиликка бутунлай йўл қўймасликка аҳд қилганликлари маълум бўлди. Улар ҳимояда аниқ ҳаракат қилиш билан бирга майдон маржазида тўп учун жиддий кураш олиб боришди. Уларнинг мақсади уюштириладиган ҳужумларни бошланмасдан олдин бартараф қилиш эди. Олдинги маррада Андраник Хачатрян ҳаракат қилди. Унга Касабоглян ва Меликян тўп етказиб бериб турди. Ҳимоячилар ва ярим ҳимоячилар эса соф маънода ўзларининг функцияларини бажаришди.

Шунга қарамасдан ереванликларнинг ҳимояланиш услубида ҳам ўзига хос айёрлик бор эди. Тўпни узоқ вақт ушлаб туриш билан улар киевликларнинг тактикасига амал қилишди. Рақиб команда ўйинчиларини ўзларига жалб қилиб, кутилмаганда самарали ҳужум уюштириш ниятида эдилар. Бундай вазифани ўнг қанот ҳимоячиси Саркисян бажарди. Унга ярим ҳимоячилар ёрдам бериб туришди. Айниқса тўпни бир-бирига узатиш билан ҳимоячиларнинг эътиборини чалғитиб, тўпни Петросянга етказиб берилганлиги ҳавфли вазиятга сабаб бўлди. Киракосян уч пахтакорчини алдаб ўтиб ҳавфли вазиятни вужудга келтирди. Денисовнинг маҳорати туфайли дарвоза хавфдан сақлаб қолинди.

«Пахтакор»чи? У меҳмонларга қандай усулни қарши қўйди? Тошкентликлар меҳмонларнинг ҳаракатларига бирдан кўника олмадилар. Асосан тўпни олиш билан шуғулланган ҳамшаҳарларимиз олдинги маррада ҳужум уюштиришни йўлга қўёлмадилар. Айрим ҳоллардагина улар ереванликларнинг жарима майдонига кириб боришди. Ана шундай ҳужумлардан бири жуда чиройли бўлди. Амриев тўпни гавдаси билан яшириб, чаққон ҳаракатлари билан бир неча ҳимоячини алдаб ўтиб, тўпни жарима майдонига узатди. Лекин жарима чизиги устида турган Якубик уни дарвозага йўллай олмади. «Пахтакор»нинг кам деганда яна икки ҳужуми самарали бўлиши мумкин эди. Дастлаб Амриев шошилиб қолди.

Иккинчи бўлимда майдон эгалари суръатни оширишди. Энди уларнинг устунлиги кўзга яққол ташлана бошлади. Лекин ҳал қилувчи дақиқаларда қўпол ҳатоларга йўл қўйишди. Шу боисдан ҳам улар ҳужумларни ниҳоясига етказа олмадилар.

Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганида ҳужумчиларга ҳимоячилар Якимцов ва Денисов ҳам ёрдам бера бошладилар. Афсуски, командадошлари уларни қўллаб-қувватлашмади.

«Арарат» иккинчи бўлимда икки марта ҳисобни очиш имконига эга бўлди. Лекин Ан. Хачатрян тепган тўп мўлжалга бормади. Касабоглян узок масофадан кучли зарб билан тепган тўпни Анвар Рашидов майдондан ташқарига чиқариб юборди.

Шундай қилиб пахтакорчилар ўз майдонларида пешқадам билан очкони бўлашиб олишди. Бу олтинчи дурангдир. Энди тошкентликлар дурангга чек қўйишлари керак. Бунинг учун улар доимо ҳужумга зўр бериб, фақат ғалабани қўлга киритишни ўйлашлари лозим.

Назаримда «Пахтакор» ўйинчиларининг чидамкорлиги, тез ҳаракат қилиб чарчамаслигини таъминлаш чорасини кўриши керак. Ана шунда республикамизнинг энг яхши клуби майдонда ҳамиша илҳом билан ўйнайдиган бўлади.

Э. АВАНЕСОВ.



«Пахтакор» ҳақида 17 фикр

АРКАДИЙ АНДРИАСЯН,
халқаро классли спорт мастери, «Арарат»нинг катта тренери.

— Шогирдларингизнинг Тошкентда ўтказган учрашувидан қониқиш ҳосил қилдингизми?

— Ҳар ҳолда биз,— дея жавоб берди Аркадий Андриасян, — ўзимиз кутган натижага эришдик. Бу йилги мавсумда яхши ўйин кўрсатаётган «Пахтакор»дан унинг ўз майдонида бир очко олиш осон гап эмас. Ўйинда СССР терма командаси составига жалб қилинган дистпетчер ва ҳужумчи Хорен Оганесян иштирок этмаган бўлишига қарамасдан, учрашувни ўзимиз ҳоҳлаган услубда ўтказишга эришдик. Тошкентликларнинг ҳужумларини қайтариб, бирнеча марта қарши ҳужум уюштириш имконига эга бўлдик.

— Эрта баҳорда «Пахтакор» ва «Арарат» бир группада СССР Кубоги учун бўлган учрашувларда қатнашган эди. «Пахтакор»нинг ўша пайтдаги ва ҳозирги ўйинини таққослаш мумкинми?

— Бундай таққослаш ўта мушкул. Чунки, у пайтда команда эндигина шаклланаётган составида турли ўйинчилар қатнашаётган эди. Жумладан, бугун тошкентликлардан Яновский, Новиков, Кабаев, Бойметов, Семенколар майдонга чиқишмади. Бу ўйинчиларнинг йўқлиги команданинг ҳаракатида сезилиб қолди. Шунинг учун ҳам у менга ҳали баҳорги услубига нисбатан ўзгармагандек туюлди. Ҳозир «Пахтакор» пешқадамлар сафида бораётганлигини биламан. Шу боисдан ҳам учрашув ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Тошкентликлар жанговар ўйин кўрсатишди. Улар ташаббусни қўлга олиш учун бор куч ва имкониятларни ишга солдилар. Майдонда ҳаракат қилган ўйинчиларда (Амриев, Денисов, Якубик, Петрушин бундан мустасно) тактик маҳорат етишмади. Худди шу нарса ўйинни биз хохлаган услубда ўтишига сабаб бўлди. «Пахтакор»чилар тўпни жуда кўп йўқотишди, кейин уни эгаллаб олиш учун жуда кўп куч сарфладилар..

— Иккинчи бўлимда «Арорат» асосан ҳимояланишга мажбур бўлди. Бунга нима дейсиз?

— Ҳақиқатан ҳам пахтакорчилар иккинчи бўлимни яхши ўтказишди. Шунга қарамасдан уларнинг ҳужумида аниқлик етишмади. Таваккалчилик билан уюштирилган ҳужумларни ҳимоячиларимиз совуққонлик билан бартараф этиб турдилар. Тўғрисини айтганда, Якубик, Денисов, 17 ёшли Виталий Жилкин кулай вазиятдан фойдалана олмадилар.

Умуман, олганда «Пахтакор» мавсумдаги энг яхши учрашувини ўтказди. Унинг тренерлари учрашувий таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўришади. Тошкентнинг «Пахтакор» командаси ҳужумкор, самарали чиройли ўйин кўрсатиш қобилиятига эга.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

С. НУРАЛИЕВ: Балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялар қабул қилган қарорлар давлат муассасалари ва корхоналари учун ҳам мажбурий ҳисобланадими?

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссиялари тўғрисидаги Низомда таъкидлаб ўтилишича, балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссия ўз ҳуқуқ доирасига кирган масалалар бўйичагина қарор қабул қиладилар. Бу қарорлар эса давлат муассасалари, корхоналар, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ва гражданлар учун мажбурийдир. Давлат муассасалари, корхоналар, жамоат ташкилотлари ва мансабдор шахслар комиссия чиқарган қарорни бажариш юзасидан қандай чора кўрилганлиги ҳақида икки ҳафта ичида балоғатга етмаганлар иши билан шуғулланувчи комиссияга маълум қилишлари зарур.

* * *

Б. ШОКИРОВА: Мен тикувчилик корхонасида ишлайман. Агар корхонада узлуксиз иш жараёни жорий этилган бўлса, дам олиш кунини бошқа кунга кўчириш мумкинми?

Жавоб: Маълумки, одатда шанба ва якшанба дам олиш кунлари ҳисобланади. Лекин муайян корхона, муассаса ва ташкилотларда ишлаб чиқариш-техника шароитларига кўра иш жараёнини тўхтатиш мумкин бўлмаса, ҳамда аҳолига узлуксиз доимий хизмат кўрсатиш зарурати туғилса, бундай жойларда ходимларнинг ҳар бир группасига ҳафтанинг турли кунларида навбатма-навбат дам олиш куни белгиланади. Одатда, магазин, маиший хизмат кўрсатиш корхонаси, театр, музей ва бошқа шу каби аҳолига узлуксиз хизмат кўрсатадиган корхона ва муассасаларда дам олиш кунлари халқ депутатлари маҳаллий Советлари томонидан белгиланади.

* * *

Г. САЙДУЛЛАЕВ: Командировка пайтида бетоб бўлиб қолганлар учун қандай ҳақ тўланади? Шу ҳақда маълумот беришларингизни сўрайман.

Жавоб: Командировка пайтида бетоб бўлиб қолсангиз, даволовчи врач берган касаллик варақасини шу командировкада бўлган жойдаги даволаш-профилактика муассасаси бош врачи тасдиқлаган бўлса, ўз доимий иш жойингиздан вақтинча иш қобилиятини йўқотганлигингиз учун нафақа оласиз. Шунинг учун командировкада бўлган чоқларга иш ҳақи тўланмайди.

* * *

Л. РИХСИЕВ: Мен шофёр бўлиб ишлайман. Қайси ҳолларда шофёр иши ўртоқлик судида кўрилади?

Жавоб: Меҳнат интизомини бузгани, сабабсиз ишга кеч келгани ёки эрта кетиб қолгани, ишга кайф ҳолда келгани, корхонага ёки ташкилотга тегишли машинадан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган учун шофёр иши ўртоқлик судида кўрилиши мумкин. Бу ишни одатда автоҳўжалик раҳбари қўзгатади. У ўзи маъмурий чора кўришни лозим топмаган ҳолларда шундай қилишга ҳақлидир. Шу билан бирга ўртоқлик судига материални фақат корхона раҳбаригина эмас, балки касаба союз комитети, кўнгилли халқ дружинаси, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, ГАИ, суд, органлари, прокурор ва шу каби шахслар ошира олади. Ўртоқлик судининг ўзи ташаббус кўрсатиб номаъқул иш қилган шофёрнинг хатти-ҳаракатини муҳокама қилиши мумкин.

Редактор ўринбосари С. Б. ЕҚУБОВ.

5 бет ТОШКЕНТ ОКШОМИ

1 ИЮНЬ, 1982 й

ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ VII ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИДА

НАМОЙИШ ҚИЛИНАДИГАН ФИЛЬМЛАР

РЕПЕРТУАРИ:

САНЪАТ САРОЙИДА

1 июнда— Мен ёш бола эдим (Япония).
Канакуаро (Колумбия).
2 июнда — Ишқ йўлида (2 серия. —Ҳиндистон).
Сеанслар соат 10.30, 14.30 ва 19.00 да бошланади.

«ФЕСТИВАЛЬ» КИНОТЕАТРИДА

1 июнда — Мен ёш бола эдим (Япония).
Канакуаро (Колумбия).
2 июнда — Ишқ йўлида (2 серия. Ҳиндистон).
3 июнда— Қўзғолон (Ғарбий Берлин).
Сэр (Мексика).
Сеанслар соат 21.45 да бошланади.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА

2, 3 июнда — Курашчилар (Конго).
Сени қалбимда сақлайман (Туркия).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.

«МОСКВА» КИНОТЕАТРИДА

2, 3 июнда— Ит кўзи (Перу).
Курк товуқ (Мексика).
Сеанслар соат 10.30, 13.30, 17.00, 20.30 да бошланади.

«ДРУЖБА» КИНОТЕАТРИДА

1 июнда — Эгизак (Япония).
2 июнда— Қоронғи тунлар (Ҳиндистон).
Гаррибалди майдони (Мексика).
3 июнда — Рибо (Камерун).
Шарқ жавоҳири (Филиппин).
Сеанслар: 1 залда соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да; 2 залда соат 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 да бошланади.

«ВОСТОК» КИНОТЕАТРИДА

1 июнда— Ишқ йўлида (2 серияли, Ҳиндистон).
2 июнда — Ҳаёт учун муҳаббат (Сирия).
Карнавал кечаси (Мексика).
3 июнда— Маноа (Венецуэла).
Ботирлар (Япония).
Сеанслар: 1 залда соат 12.00, 15.00, 18.00, 21.00 да; 2 залда соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

1 июнда— Курашчилар (Конго).
Севгининг ўзи камлик қилади (Миср).
2 июнда— Оила уйи (Шри Ланка).
Канагуара (Колумбия).
3 июнда — Уйғониш (2 серия. Афғонистон).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.

ЁШЛИК КИНОТЕАТРИДА

1 июнда— Саид Шоҳ (Ҳиндистон).
Зўравонлик (Миср).
2 июнда— Илонни ўлдириш (Туркия).
Нури (Ҳиндистон).
3 июнда — Осмон совғаси (Япония).
Но-Ноа (Мексика).
Сеанслар соат 10.30, 12.30, 17.00, 20.30 да бошланади.

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА

2, 3 июнда— Тагрифтдаги олишув (Ливия).
Пошналар (Колумбия).
Сеанслар соат 11.00, 14.00, 17.00, 20.00 да бошланади.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА

1 июнда— Тасодиф бўйича ота (Колумбия).
Ботирлар (Япония).
2 июнда — Узоқ якшанба (Австралия).
Шарқ жавоҳири (Филиппин).
3 июнда— Ҳодиса (Алжир).
Севгининг ўзи камлик қилади (Миср).

«НУКУС» КИНОТЕАТРИДА

1 июнда— Оловиддиннинг сеҳрли лампаси (Япония).
Буйруқ бўйича қотиллик (Сирия).
2 июнда— Реванш (Аргентина).
Ака-укалар (Мексика).
3 июнда — Эгизак (2 серия. Япония).

Сеанслар соат 10.30, 13.30, 17.00, 20.00, 22.30 да бошланади.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Қаровсиз ва эгасиз ҳайвонларни тутиб кетиш учун залвкаларни қуйидаги телефонлар бўйича район автодормехбазаларига бериш мумкин:

Ленин районн — 91-47-56.
Куйбишев районн — 66-15-04.
Ҳамза районн — 66-05-75.
Киров районн — 41-71-01.
Октябрь районн — 77-77-34.
Фрунзе районн — 53-91-05.
Чилонзор районн — 76-37-82.
С. Раҳимов районн — 48-50-18.

Тошкент шаҳар ижроия комитёти ободонлаштириш Бош бошқармасининг «Автодормехбаза» ишлаб чиқариш трести.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА
4 июнь соат 19.30 да СССР биринчилиги учун олий лиганинг
«ДИНАМО» (Тбилиси) — «ПАХТАКОР» (Тошкент)
командалари ўртасида

Футбол

«Пайвандлашнинг янгича жараёнлари ва пайвандланган конструкциялар» проблемаси бўйича илмий кенгаш.

СССР Фан ва техника давлат комитети, Е. О. ПАТОН номидаги электр пайвандлаш институти,

Ўзбекистон машина-қурилиш саноати илмий-техника жамиятининг республика правлениеси

ва «Ташсельмаш» заводи

«Пайвандлаш ускуналари ва пайвандлаш жараёнини механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари» секциясининг

ИШИНИ ОЛИБ БОРАДИЛАР

Секция Тошкент шаҳри, Ленинград кўчасидаги 48-уй —Тошкент техника уйида 1 июндан 4 июнга қадар эрталаб соат 10.00 дан ишлайди.

Тошкент Н. К. Крупская номидаги педагогика техникуми томонидан Маҳсудова Маҳпуза Сулаймановна номига берилган 306411 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

1, 2 ИЮНЬ СОАТ 19.30да

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ОЛМАХОН ХАЙИТОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Қорақалпоғистон АССР халқ артисти
ГУЛШОД ОТАБОЕВА
Тошкент область Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ОЛИМЖОН ОРИФЖОНОВ

Солистлар: Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Муножот ЮЛЧИЕВА, Тоштемир ТОҲИРОВ, Султонмурод САМАНДАРОВ, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Малика ШАРИПОВА, Латофат ПУЛАТХЎЖАЕВА, Гулнора ОДИЛОВА, Гўзал БАРАТОВА.
Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси

АБДУФАТТОҲ САНДОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Оригинал жанрда САТТОР ИСЛОМОВ.

Программани — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом Тожиаълоев олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — Олмахон ХАЙИТОВА.

Мусика раҳбари — Шавкат МИРЗАЕВ.

Касса соат 14.00дан ишлайди.

АВТОМОБИЛЬ ҲАМИША ОРАСТА БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

АВТОМОБИЛНИ ОРАСТА САҚЛАШ ВОСИТАЛАРИ

Сизга меҳнатни енгиллатиш, вақтни тежаш ва автомобилнинг хизмат муддатини узайтириш имконини беради.

Паста, эмульсия ва аэрозоллар турли мақсадларга мўлжалланган бўлиб, турли ҳолларда қўлланилади, бири биридан фарқ қилади. Уларнинг ҳаммаси ҳайдовчининг энг яқин ёрдамчиларидир.

«ВТВ—1» автомобиль сурков мойи — зангнинг қушандаси. У фойдаланилмаётган автомобилнинг металдан ясалган манзари ва бўялмаган деталларини коррозиядан сақлаш учун мўлжалланган. Юқори сифатли сурков мойи ишлов берилаётган деталнинг ҳамма ерига етиб боради ва уни коррозияга қарши мустаҳкам плёнка билан қоплайди. Препарат аккумулятор батареяларининг клеммаларини оксидланишдан, ўт олдириш қулфини музлашдан ҳам сақлайди.

Қўллаш усули: баллон яхшилаб чайқалганидан сўнг, сурков мойи юпқа қилиб суртиб чиқилади. Уни бензин билан кетказиш мумкин.

Баҳоси — 75 тийин.

Шахсий машинангизда саёҳат қилаяпсиз деб тасаввур қилайлик.

Қаршингиздан ремонт қилинаётган йўл участкаси чиқиб қолиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай ҳолда автомобилни аввалгидек топ-тоза қилишда Сизга бутун доғларини кетказувчи восита ёрдам беради. Унинг ёрдамида автомобилнинг сиртқи қисмидаги битум, ёғ, мой доғларигина эмас, кийимингиздаги доғларни ҳам осонгина кетказиш мумкин.

Баҳоси — 90 тийин.

Автополироли автомобилнинг ёшлик элексири деб аташади.

Автополироль автомобиль кузовининг лак-бўёқ қопламасини аввалгидек ярқиратади, шу билан бирга автомобилни атмосфера ёнингарчиликлари таъсирида сақлайдиган ҳимоя плёнкасини ҳосил қилади.

«Антизапотиватель» (ойналарни терлатмайдиган восита) Сизга ойналарнинг ҳамиша тиниқ бўлишига, йўлни бемалол кўришингизга, хавф-хатарсиз ҳаракат қилишингизга кафолат беради.

Двигателни тозаловчи автомат бир неча минут ичида автомобиль, мотоцикл, қайиқ ва бошқа машиналарнинг двигатели ёки агрегат сатҳидаги сувда эримайдиган куя, ёғ ва бошқа доғларни кетказади.

Қишда силиконли тез ювиш воситаси автомобиль учун айниқса асқотади. Бу восита автомобилнинг лак-бўёқ қопламасини ювиш ва мустаҳкамлаш учун мўлжалланган. Препарат ишлов берилаётган деталь сатҳига юпқа қилиб юмшоқ газлама билан суркалади ёки пуркалади. Ишлов берилганидан кейин деталь сатҳи қуруқ, юмшоқ газлама билан артиб ташланади. Мазкур восита совуққа чидамли.

Автомобилни ораста сақлаш учун мўлжалланган, юқорида биз санаб ўтган воситаларни.



«УЗСПОРТТОРГ» МАГАЗИНЛАРИДАН СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

«УЗСПОРТТОРГ» республика ихтисослашган савдо бирлашмаси.

Ўзбекистон реклама агентлиги.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлиги базасидаги

161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчилар, кондитерлар, нонвойлар, холодильникни созловчи механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи слесарлар.

Ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун — 1 йил; 8 йиллик маълумотлилар учун — 2 йил.

8 синф маълумоти бўлганларга уч маҳал бепул овқат, кийим-бош ва иш кийими берилади.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта махсус ўқув юртларига юборилади.лар.

Узоқдан келганларга замонавий жиҳозланган ётоқхона берилади.

Билим юрти қошида миллий ансамбль, ҳаваскорлик тўгараклари, спорт секциялари ва кечки мактаблар бор. Билим юртини битирганларга танланган мутахассисликлари бўйича 3 — 4 разряд берилади, ҳамда улар республикамизнинг озиқ-овқат корхоналарида ишлайдилар.

Совет Армияси хизматидан қайтиб келганлар қуйидаги касблар бўйича 6 ойлик курсларга ўқишга қабул қилинадилар: холодильникни созловчи механиклар, нон ва пиво заводлари учун созловчи механиклар (слесарлар).

Ўқувчиларга 30 сўм стипендия берилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан кейин бошланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: билим юрти директори номига ариза, паспорт ёки туғилганлиги ҳақидаги ҳужжат, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, характеристика, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3 Х 4 см.).

Билим юртининг адреси: Тошкент шаҳар, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй: 16 «Вокзал—ТТЗ», 89«Қорасув—1—Олой бозори» маршрутидаги автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги базасидаги

104-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

УҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

1982 — 83 ўқув йили учун

8 синф ҳажмида маълумотга эга бўлганларни контроль-ўлчов приборлари ва автоматикани ремонт қилувчи слесарь, буғ қозон ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, турбина ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, электр пайвандловчи, буғ қозон қурилмаларини монтаж қилувчи слесарь, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, гишт терувчи мутахассисликлари бўйича

Ўқувчилар уч маҳал овқат, кийим бош, ишлаб чиқариш практикаси даврида — пул мукофоти билан таъминланади.

Билим юртини тугатганларга ўқувчининг касб-кори ва ўрта маълумот олганлиги кўрсатилган диплом берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганларга олий ўқув юртларига йўлланма берилади.

Шунингдек, ўрта маълумотга эга бўлиб, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар бир йиллик муддат билан қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўқишга қабул қилинади: қозон ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, турбина ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, электр монтажчи, буғ қозон қурилмаларини монтаж қилувчи монтажчи-слесарь, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, гишт терувчи.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилганлар ва 18 ёшга тўлган йигитлар 6 ойлик ўқишга қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул қилинади: турбоагрегатлар бўйича машинист ёрдамчиси, буғ қозон агрегатлари бўйича машинист ёрдамчиси, буғ қозон қурилмаларини монтаж қилувчи монтажчи-слесарь, электр пайвандловчи.

76 сўм стипендия берилади.

Машғулотлар июнь, декабрь ойларидан бошланади.

Билим юртини тугатганлар «Средазэнергомонтаж» трестига: Ангрен ГРЭСи, Муборак ТЭЦи, Толлимаржон ГРЭСи ва трестнинг бошқа ташкилотларига ишга юборилади.

«СРЕДАЗЭНЕРГОМОНТАЖ» трестидаги меҳнат шартлари: меҳнатга ҳақ тўлаш ишбай-мукофотли, қўшимча равишда тариф ставкасининг 55 — 60 процентн миқдорида минтақа коэффициенти тўланади. Ёлғиз кишилар ётоқхона, оилаликлар—навбатли тартибда квартира билан таъминланади.

Тошкент шаҳрида яшовчи ўқувчиларга автобус хизмат кўрсатади.

Қабул комиссияси ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.**

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома, медицина справкаси (286-форма), турар жойидан справка, 3 дона фотосурат (3х4 см.), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки ҳарбий билет.

Бизнинг адрес: 702169, Тошкент области, Оржоникидзе райони, ТашГРЭС посёлкаси (115, 152-автобусларимиз «ТашГРЭС посёлкаси» бекати). Телефон: 62-12-16, 61-12-51 қўшимча равишда 6-12, 3-18.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ПРОТЕЗИСТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА

Ревизия ишлари бўйича бош бухгалтер ўринбосари, ёнчиладиган карталар тайёрловчиси, **нормалаштириш бўйича инженер, граждан мудофааси ва техника ҳавфсизлиги бўйича инженер, токарлар, склад мудири, регистратура методист-инспектори, техник-протезист, модельер-бичувчи, ателье мастери, хазиначи-кассир, лаборант, электрик, ёғоч протезистлар ва шорникларнинг шогирдлари.**

ЧИЛОНЗОР РАЙОН ТАШКИЛОТЛАРИГА

катта инженерлар, инженерлар ва электрик-техниклар (электр автоматларини созлаш бўйича), автомат элементларини созловчи техниклар, қозон асбоб-ускуналарини созловчи техниклар, сув етказиб серувчи қурилмалар ва сув режимини созловчи техниклар, теплотехника бўйича техниклар, аналитик химия техниги, АСУ техника воситаларини созловчи техник, иссиқлик энергетикаси жараёнларини автоматлаштириш техниги, турбина асбоб-ускуналарини созловчи техник, электр иссиқлик техникаси ва радиотехника ўлчовлари бўйича техник, аэрогидродинамика бўйича техник, стандартлаш ва сифатни назорат қилиш бўйича техник, метрологлар, контроль-ўлчов асбоблари ва автомат қурилмаларини созлаш бўйича слесарлар, нусха кўчирувчилар, комендант ва ётоқхона учун фаррошлар.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ТУРАР ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ТАШКИЛОТИГА

1, 2, 3 класс шофёрлари, юк ташувчилар, ремонтчи-ишчилар, участкаларнинг мастерлари, бухгалтерлар, навбатчи, механиклар.

ЛЕНИН РАЙОН МАИШИЙ ХИЗМАТ ТАШКИЛОТИГА

бухгалтерлар, шофёрлар, омбор мудири.

КУЙБИШЕВ РАЙОН КОРХОНАЛАРИГА

токарлар, фрезерчилар, йўнувчилар, силлиқловчилар, слесарь-йиғувчилар, асбобсозлар, электр монтёрлари, тунукасоз, дурадгорлар, буёқчилар, металл қирқувчилар, электр-газ пайвандчилар, термист, прессловчи изоляцияловчилар.

СПРАВКА ВА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ:

Марказий пункт — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
Ленин район пункти — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
Октябрь район пункти — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
Чилонзор район пункти — 2-квартал, 3-уй.
Фрунзе район пункти — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
Ҳамза район пункти — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
Куйбишев район пункти — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
Киров район пункти — Энгельс кўчаси, 89-уй.
С. Раҳимов район пункти — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. Икромов район пункти — 22-квартал, 13-уй.
Сергели район пункти — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИ БИНОСИДА
ҚОЗОҒИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРЛИГИ
РЕСПУБЛИКА ДАВЛАТ УЙҒУР ТЕАТРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

5, 11 июнда — Билол нозим.
6, 8 июнда — Фаросатсиз тақсир.
7, 9 июнда — Нозугум.
10, 16 июнда — Бир ёз, бир қиш.
12 июнда — Одиссейнинг газаби.
13, 17 июнда — Келинлар қўзғолони.
14, 19 июнда — Қайғули кунлар.
15, 18 июнда — Таниш кишилар.
20, 21 июнда — «Ешлик» ансамблининг концерти.
22, 23 июнда — «Наво» ансамблининг концерти.
24, 25 июнда — Муқомлар сири (концерт).
Спектакллар соат 19.30 да бошланади.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

ЭКРАНДА ЗАНГОРИ

1 ИЮНЬ— СЕШАНБА

БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ХАЛҚАРО КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.25 «Константин Паустовский. Хотиралар ва учрашувлар». 18.10 «Сайловлар олдидан». Телевизион очерк. 18.25 «Салют, пионерия!». 19.10 «Дунё воқеалари». 19.25 «Дўстларимиз чеҳраси». Болаларни ҳимоя қилиш Халқаро кунига. 20.10 «Деразадаги нур». Телевизион бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.00 «Озиқ-овқат программаси —умумхалқ иши». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Бонесенский олиб боради. Кўрсатув тугагач— Концерт. 24.00 «Дунё воқеалари».

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.40 Кўрсатувлар программаси. 17.45 «Бахтли болалигимиз учун Ленин партиясига раҳмат». СССР ташкил топганлигининг 60 йиллигига бағишланган мактабгача ёшдаги болалар, мактаб ўқувчилари ва педагогика ўқув юртлари студентларининг V Республика қўшиқлар байрами. 19.05 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат тарбияси». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ижод гулшани». Тележурнал. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Тошкент тароналари». Фильм-концерт. 21.30 Москва, «Время». 22.00 «Пилла — бойлигимиз». 22.20 «Уч қитъа экрани»: Осиё, Африка ва Лотин Америкаси VII Халқаро Тошкент кинофестивалининг ҳужжатли фильмлари. 23.20 Янгиликлар.

2 ИЮНЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Халқаро конкурслар лауреати Н. Демиденко концерти (фортепьяно). 10.30 «Киноса ёзатчилар клуби». Кўрсатувни журналист Л. Лисенко олиб боради. 11.30 Болалар учун фильм. «У ҳақиқий карнайчи эди». 12.40 Янгиликлар. 13.00 Янгиликлар. 13.20 «Чорвачилик — зарбдор фронт». Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 16.15 «Бил ва уддала». 17.00 «Хайрли кун». Телевизион ҳужжатли фильм. 17.30 «Горнчилар, қаердасиз?».

18.15 «Йўл бошида». Яҳудий камер музикали театри ҳақида. 18.30 «Ўтилганларни такрорлаш». Белоруссия ССР Уваровичи қишлоғидаги СССР халқ ўқитувчиси О. С. Авраменко ҳақида телевизион очерк. «СССР халқ ўқитувчилари» туркумидан. 18.55 Бутуниоссия конкурсининг лауреати. Т. Вольская чалади (домбра). 19.15 «Дунё воқеалари». 19.40 «Плакат —давр кўзгуси». Ҳужжатли фильм премьераси. 20.00 «Кумтепаликлардаги узунлан-узоқ йўл». Кўп сериялн телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серил. 21.30 «Время». 22.15 «Фестивалдан... Конкурслар... Концертлар,..». 23.25 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.20 Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 9.55 «Деразадаги нур». Телевизион бадиий фильм. 11.10 «Кучлилар, довюраклар, епчиллар». 11.55 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.25 Немис тили. 12.55 Болалар учун фильм. «Кўҳна сарой сирлари». 5-серия. 13.35 Г. Свиридов ижодида Пушкин мотивлари. 14.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 14.55 «Игорь Моисеев балети». Фильм-концерт. 16.00 XVIII аср биринчи ярмида рус маданияти ва маорифи. 16.45 Янгиликлар.

18.50 «Сиз қандай дам оласиз?». Телевизион ҳужжатли фильм (Тошкент). 19.00 «Уфк» Ленинграддан олиб кўрсатилади. 20.00 Жаҳон халқларининг ижоди. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 М. Н. Царёв А. Пушкин, М. Лермонтов, Ф. Тютчев, А. Блок, С. Есенин лирик шеърларини ўқийди. 21.30 «Время». 22.15 «Нариги томон кишиси». Бадиий фильм. М. Горький номли киностудия —«Омега фильм» (Швеция).

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун фильм. «Ларза.» 12.00 «Сен менга, мен сенга». Бадиий фильм.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Гошо филчанинг дўстлари», «Гаройиб дўст». Мультфильмлар. 18.30 «Тенгдошларинг ижоди». 19.00 «Маданий меросимиздан». Собир Термизий туғилган кунининг 900 йиллигига. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт. 20.15 «2 миллион тонна «ҳаҳрабо» дон учун». 20.30 «Ахборот». 20.50 Лирик концерт. 21.30 Москва, «Время». 22.15 «Дўстлик кўприги». Видеофильм премьераси. 22.55 «Ўзбекистон балети ҳақида». Балет артистлари халқаро конкурсининг лауреати З. Давлетмуродова. 00.10 Янгиликлар.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Болалар учун фильм. «Менинг биринчи кемам». 18.40 Реклама. 19.00 «Ойнинг ўттиз иккинчи куни». Телефильм. 19.30 «Бизнинг бош мухбиримиздан» (рус.) 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Қиз Жибек». Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 МГ II.

---

6 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОКШОМИ

«ТОШКЕНТ ОКШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия гурмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —33-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар —33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

1 ИЮНЬ, 1982 й. Р-07252. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691. 9